



**“Жиноятдан сақланинг” рукнида**

**РЕСПУБЛИКА МАЬНАВИЯТ ВА МАЬРИФАТ КЕНГАШИ**

**РЕСПУБЛИКА МАЬНАВИЯТ ТАРГИБОТ МАРКАЗИ**

**ЭШМУҲАММАДҚОДИРОВ**

**ЁШЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИНИНГ ОЛДИНИ  
ОЛИШ МАСАЛАЛАРИ**

**ТОШКЕНТ – 2017**

УЎҚ  
КБК

**Қодиров Эшмуҳаммад**

Ёшлар жиноятчилигининголдини олишмасалалари (Матн)  
/Э.О.Қодиров. Республика Маънавият тарғибот маркази, Тошкент  
давлат юридик университети. – Т.: 2017. – 35 б.

ISBN

**Масъул мухаррир: Қ.Р.Абдурасулов**

юридик фанлар доктори, проф.

**Тақризчилар: О.М.Маҳкамов**

юридик фанлар доктори

**М.К.Нажимов**

юридикфандарномзоди, доцент

Мазкур рисолада мамлакатимизда ёшлар орасида жиноятчилик масалалари ва уларни келтириб чиқарувчи сабаблар, ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, хуқуқбузарликлар профилактикаси, ёшлар хуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришнинг ўрни ва аҳамиятига оид масалалар амалдаги қонун ҳужжатлари ва мавжуд илмий адабиётлардан фойдаланган ҳолда бугунги кун воқеликлари асосида ёритиб берилганбўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат Дастири”нинг 101-банди ижросини таъминлаш мақсадида Республика Маънавият тарғибот маркази, Ички ишлар вазирлиги, “Камолот” ЁИХ, “Махалла” хайрия жамоат фонди ҳамкорлигига 2017 йил 10 марта тузилган ҚҚ-11-сонли қўшма қарор ижроси юзасидан Марказ Илмий-услубий кенгашининг 2017 йил июндаги асосида нашрга тавсия этилган.

Э.Қодиров  
 Тошкент, 2017 й.

## **КИРИШ**

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳаракатлар стратегияси, сиёсий ва ҳуқуқий ислоҳотлар, жамиятни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш, демократиянинг ривожланиши, ҳуқуқий тартиботнинг мустаҳкамланиши, дастлаб аҳолида, хусусан, ёшларда ҳуқуқий онг ва маданиятнинг ривожланганлик даражаси, ҳар бир шахснинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини тўғри англаши ва улардан самарали фойдаланиши, ўз мажбуриятларини вижданан бажариши ва ўз фаолиятида қонунга асосланиши билан белгиланади. Бунда республикамизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиб, мамлакатда ҳуқуқтарттиботни таъминлашда ижобий натижаларга эришиш муҳим ҳисобланади. Ушбу ўринда гап ёшлар ҳуқуқбузарликлари профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича фаолиятини мувофиқлаштиришнинг таъсирчан тизимини яратиш, қонун бузилишларининг олдини олиш ва уларни бартараф этишнинг замонавий ташкилий-ҳуқуқий механизмларини жорий этиш ҳақида бормоқда.

Ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини, шу жумладан, ёшлар билан тўғридан-тўғри ва очик мулоқотни йўлга қўйиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари фаолиятида фаол иштирок этиш, ёшлар мурожаатлари ва муаммоларига беписанд муносабатда бўлиш ва бюрократик холатларга йўл қўймаслик орқали таъминлашга эришиш муҳим ҳисобланади.

Мамлакатимизда ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва қонунчиликни такомиллаштириш чораларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш орқали ҳуқуқбузарликларнинг, айниқса вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида олдини олиш ҳамда уларга чек қўйиш, уларнинг содир этилиш сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш бўйича самарали механизмларини жорий этиш устувор вазифалардандир.

Амалга оширилаётган профилактика чора-тадбирларининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини, қонунийлик аҳволи ҳамда жиноятчилик даражаси ҳақидаги маълумотларни аҳолига етказиш масалаларида оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик

қилиш, Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғи имкониятларидан кенг фойдаланиш, содир этилган ҳуқуқбузарликлар ва уларни бартараф этиш жараёни тўғрисида кен жамоатчиликка тезкор хабардор қилиш туб ҳуқуқий ислоҳотларнинг бош мақсадини ташкил қиласди.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлиги қонунларни нафакат билишни, балки қонун талабларига итоат этишни ҳам англатади. **Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси** – бу ёшлар томонидан қонун билан тақиқланган ижтимоий хавфли қилмислар содир этилишини тақозо этувчи сабаб ва шароитларни келтириб чиқарувчи, озиқлантирувчи, жамиятда ижтимоий ҳодиса сифатида унинг бўлишини тақозо этувчи ҳодиса, воқеа, жараёнларни камайтириш, зарарсизлантириш, чеклаш ва баратараф этиши бўйича давлат сиёсатини белгилаш ва уни амалга ошириш ҳамда тақомиллаштиришига қаратилган комплекс ижтимоий ҳуқуқий жараёндир.

Жамиятда ёшлар ҳуқуқбузарликлари профилактикаси ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, биринчи навбатда аҳоли бандлигини таъминлаш ва ёшларни ижтимоий фаолиятга жалб этишни фаоллаштириш, вояга етмаганларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича чора-тадбирларнинг самарадорлигини оширишни назарда тутади. Ўзбекистонда мустақилликнинг ilk йилларидан бошлаб ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда. Ёшларнинг ҳуқуқбузарликлари профилактикаси давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Дарҳақиқат Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳақли равишда таъкидлаганидек: “Биз “Адолат – қонун устуворлигигида” деган тамойил асосида жамиятимизда қонунга ҳурмат, ҳуқуқбузарлик ҳолатларига муросасизлик ҳиссини кучайтиришга қаратилган ишларимизни жадал давом эттирамиз.

Бу борада ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилади. Бунинг учун, аввало, **маҳалла имкониятлари**дан кенг фойдаланиш, **профилактика инспекторларининг иш самараси ва масъулиятини ошириш, улар учун муносаб хизмат ва турмуши шароитини яратиб берииш** чораларини кўришимиз даркор”<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Конун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараккиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги маърузаси. Халқ сўзи газетаси, 2016 йил 8 декабрь.

Шу жиҳатдан олганда, ёшларнинг ҳуқуқбузарликларга муросасизлик маданиятини шакллантириш, ҳуқуқий ниглизмга барҳам бериш ва фуқароларнинг қонунга итоаткорлик хулқатворини оммалаштиришга қаратилган фаолиятни кучайтириш лозим. Бу эса ўз навбатида, мамлакатимизда ҳуқуқий давлатни барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида олиб борилаётган ислоҳотларнинг муваффақиятини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қиласди.

Республикамизда амалга оширилаётган ислоҳотлар замон талаблари ва эҳтиёжларига жавоб берувчи янги типдаги ҳуқуқ тизимини шакллантиришга йўналтирилган. Мамлакатда демократиянинг ривожланиши, тартиб ва қонунчиликнинг мустаҳкамланиши аввало, жамиятда ҳуқуқий маданиятнинг ривожланганлик даражаси, келажак ворислари бўлмиш ҳар бир йигит ва қизларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини тўғри англаши ва улардан самарали фойдаланиши, ўз мажбуриятларини вижданан бажариши ва фаолиятида қонунга асосланиши билан белгиланади. Ваҳоланки, мамлакатимизни модернизациялаш ва жамиятни демократлаштириш жараёнлариёшларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини тақозо этади. Шу муносабат билан бугунги кунда мамлакат келажаги саналмиш ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш вазифаси стратегик вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳуқуқий маданият бу ҳар бир жамиятда ҳуқуқнинг ижтимоий қадрият сифатида мавжуд бўлиши ва ривожланишида ифодаланадиган ҳуқуқий онг ва қонунийлик ҳамда юридик амалиётнинг чинакам аҳволи, қонунчиликнинг сифат даражаси бўлиб, у мазкур жамиятнинг ўзига хос юридик бойлиги ҳамдир. Айнан шу боис аҳоли, айниқса ёшлар ҳуқуқий маданиятини ошириш вазифаси давлатимиз ва жамоатчиликнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлади. Ёшлар ҳуқуқий маданиятини юксалтириш вазифасининг долзарблиги шу билан изоҳланадики, ёшларнинг ҳар бир янги авлоди олдинги авлодлар тажрибасини ўрганиб, янги ижтимоий муносабатларни англаш, уларга мослашиш ва жамият тараққиётига ўз ҳиссасини қўшишга интилади. Бу ҳолат эса ўз навбатида, ҳуқуқий маданиятни шакллантиришнинг янги усул, шакл ва воситаларини ишлаб чиқишни тақозо этади.

## **1. ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯСИ – СТРАТЕГИК МАСАЛА**

Ёшлар - ҳар қандай давлат истиқболининг стратегик имкониятини белгиловчи муҳим асос саналади. Бироқ давлат тараққиётининг истиқболи унинг мазкур имкониятдан қай даражада фойдалана олиши ва унга ўз куч-қудратини сафарбар этишига боғлиқ.

Сабаби бугунги ёшлар – эртанги кун давлат ва жамият қурилишининг асосий меъморлари ҳисобланади.

Бизнинг мақсадимиз- мустақилликни мустаҳкамлаш, ривожланган давлатлар тажрибасини ўзлаштириб, юксак маънавиятли инсонлар, ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини қуриш. Бунинг учун эса, биринчи навбатда ёшлар таълим-тарбиясига эътиборни кучайтириш, миллий ва халқаро ҳуқуқ нормаларини уларнинг онгу шуурига сингдириб, чин ватанпарвар, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини тенг англаган, етук салохият ва ақлий иқтидорга эга ҳуқуқий онги ва маданияти юксак одамларни вояга етказиш лозим бўлади.

Шу боис мустақиллик йилларида Биринчи Президентимиз Ислом Каримов: “Ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат аввало ўз фарзандлари қиёфасида, униб-ўсиб келаётган ёш авлод тимсолида шу халқقا хос хусусият ва фазилатларни намоён этадиган, унинг азалий орзу-интилишларини рўёбга чиқарадиган буюк кучни кўради”<sup>2</sup> дея вазифани тўғри белгилайди. Чунки ёшлар тарбиясига эътибор қаратмасдан, жамиятнинг бирорта ҳам соҳасини ўзгартиришга киришиб бўлмасди. Ислоҳотларнинг тақдирни ва самараси биринчи ўринда ёшларнинг савиясига, уларнинг замон талабларига қай даражада жавоб беришига боғлиқ эди. Мамлакатимизнинг эртанги куни ва тақдирни аввалимбор эртанги кун эгалари бўлмиш ёшларнинг муаммоларни узил-кесил ечиш билан бевосита боғлиқ эди. Агар жамиятнинг ўқ илдизи, асосий қатлами соғлом бўлса, қолгани хавфли эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев: “Барчамизга яхши аён, бугунги шиддатли замон, дунёдаги аёвсиз рақобат муҳити биздан жуда катта масъулитят ва сафарбарлик билан ишлашни, ҳамма соҳада янгича ёндашувларни талаб этмоқда.

<sup>2</sup>Каримов И. Асосий мақсадимиз – юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини қатъият билан давом эттиришdir. – Т.: Ўзбекистон, 2007. – Б.34.

Мана шундай кескин шароитда биз юртимизда тинчлик ва осойишталик, фуқаролар ва миллатлар ўртасида ҳамжиҳатлик мұхитини кўз қорачиғидек асрашимиз зарур. Айниқса, фарзандларимизнинг қалби ва онгини ёвуз хавф-хатарлардан ҳимоя қилишга энг долзарб вазифа, деб қарашимиз керак.

Агар биз таълим-тарбия, маданият ва маънавият соҳасидаги ишларимизни аниқ тизимли асосида ташкил этиб, уларнинг самарадорлигини оширмасак, эртанги кунимизни қуролмаймиз, ўз мақсадларимизга етолмаймиз”<sup>3</sup> дея ёшлар тарбияси масаласининг давлатимиз учун устувор вазифа эканлигини эътироф этди.

Миллий тарбиянинг мұхим таркибий қисми бўлган ҳуқуқий тарбия ҳам ёшларни давлат ва жамиятимиз учун муносиб шахслар этиб тарбиялашда долзарб аҳамият касб этади. Ҳуқуқий тарбиянинг моҳияти ёшларда ҳуқуқ билан тартибга солинадиган фаолият давомида аниқ ҳуқуқий мақсад ва муносабатларни шакллантиришида кўринади. Ҳуқуқий тарбия ёрдамида шахсда ҳуқуққа нисбатан ҳурмат, қонунларга оғишмай амал қилиш, давлатга нисбатан ҳурмат, мамлакатимизда қонунчиликни мустаҳкамлашда давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари билан фаол, амалий ҳамкорлик қилиш кўникмалари шаклланади.

**Ҳуқуқий тарбия** - бу давлат, унинг органлари ва ходимларининг, жамоат бирлашмалари ва меҳнат жамоаларининг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятини шакллантириш ва юқори кўтариш юзасидан мақсадга йўналтирилган доимий фаолиятни англатади.

**Бинобарин, ҳуқуқий тарбия** – ҳуқуқ борасидаги билимларни жамлаш, уларни муайян тизимга солиш, ўзлаштириш ва узатишдан, шунингдек ҳуқуққа ва уни амалга оширишга нисбатан ижобий муносабатни, ўз ҳуқуқларидан фойдаланиш, чеклов (тақиқ)ларга риоя этиш ва мажбуриятларни бажаришга тегишли муносабатни шакллантиришдан иборат

Мамлакатимиз томонидан ёшларнинг ҳуқуқий тарбиясига стратегик масала сифатида эътибор қаратилиши натижасида, Ўзбекистонда дунёни янгича идрок этадиган, ҳақ-ҳуқуқи учун курашадиган ўз тақдирини халқи, ватани тақдири билан деб билиб, фаолият кўрсатаётган янги авлод шаклланди. Улар ҳам

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқаро хотин-кизлар байрамига бағишлиланган учрашувдаги нутки. Халқ сўзи газетаси, 2017 йил 7 март.

аждодлар маънавий меросини ва ҳам умумбашарий қадриятлар, ақлий кашфиётларни баробар ўзлаштирилар. Юрагида миллий ифтихор туйғуси, ватан муҳаббати жўш урган билимдон, доно, тадбиркор инсонлар хар бир мамлакатнинг салоҳияти, келажагини белгилайдиган буюк кучdir. Жамиятда элни эзгуликка сафарбар этувчи етук инсонлар қанча кўп бўлса, тараққиёт имконияти ҳам шунчалик кўп бўлади ва айни вақтда юрт осойишталиги, сиёсий, иқтисодий барқарорлик кафолати юзага келади.

Шунинг учун ҳам бизда Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури (1997 йил 29 август) қабул қилиниб, у изчил амалга оширилмоқда, ёш авлоднинг ҳуқуқий тарбиясига алоҳида эътибор қилинмоқда. Ҳуқуқий тарбия узлуксиз жараён бўлиб, у ёшлиқдан бериб борилиши лозим. Болалар мактабгача таълим муассасаларидаёқ хулқ-атвор қоидаларидан хабардор бўлиши, маънавий ва баъзи ҳуқуқий нормалар тўғрисида бошланғич тушунчалар олиши, келгусида ўқиш давомида бу билимлар кенгайтирилиши ва чуқурлаштирилиши, аниқ ифодаланган ҳуқуқий хусусият касб этиши зарур<sup>4</sup>. Яъни ёшларнинг ҳуқуқий саводхонликка эришишлари, юксак даражадаги ҳуқуқий онгга эга бўлишлари ҳамда ҳуқуқий билимларини қундалик ҳаётда қўллай олишлари учун ҳуқуқий маданиятни шакллантиришнинг кенг қамровли мунтазам тизимини яратиш давлатимиз сиёсатининг стратегик йўналиши ҳисобланади.

Ижтимоий фаол, ҳуқуқий ва сиёсий маданияти юксак одамларни биз ёшлиқдан тарбиялаб шакллантиришимиз, ёшлиқдан ҳаёт мураккабликларини рўй-рост айтиб, болаларимизни ҳақ-ҳуқуқи учун курашадиган иродали қилиб тарбиялашимиз лозим. Ҳақ-ҳуқуқ учун курашиш деганда, жанжалкаш, беҳаё тўполончилар эмас, балки ҳаёт хақиқатларини тўғри қабул қилиб, қийинчиликларни ақлу идрок билан енгиб ўтадиган, ўз ўрнини муносиб эгаллайдиган киши назарда тутилади, албатта.

Имконият яратилмаса, ҳуқуқий фаол баркамол авлодни тарбиялаш баъзи давлатлардаги каби қумга чизилган режа бўлиб қолаверади. Бизда эса аввало ана шу имкониятлар яратилди. Табиийки, бунинг ўзи бўлгани йўқ. Аввало, қонунлар шу буюк мақсадга йўналтирилди. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни

<sup>4</sup> Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 227-модда.

юксалтириш миллий дастурида: 1) ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбия тизимини такомиллаштириш; 2) барча давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг қонунга ҳамда ҳуқуқقا ҳурмат билан муносабатда бўлишига эришиш; 3) аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш; фуқароларнинг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигини таъминлаш<sup>5</sup> асосий вазифалар сифатида белгиланиб, ўтган йиллар давомида амалда жорий этилди. Давлат бюджети маблағларининг энг катта қисми энг яхши инвестицияга – инсон капиталига, ёшлар тарбиясига ажратилмоқда.

Мамлакатимизда 2000 йил “Соғлом авлод йили”, 2001 йил “Она ва бола йили”, 2008 йил “Ёшлар йили”, 2010 йил “Баркамол авлод йили”, 2012 йил “Мустаҳкам оила йили”, 2016 йил “Соғлом она ва бола йили” деб эълон қилингани, янги қурилган замонавий умумтаълим мактаблари, академик лицей, касб-хунар колледжлари, мусиқа мактаблари, миллий ва халқаро миқёсдаги институт ҳамда университетлар, таълим инфратузилмаси ислоҳоти, таълим муассасалари раҳбар ва педагогларининг малакасини ошириш, моддий-техник ёхуд ўқув-методик база деган, оддий одамларга сезилмайдиган, бироқ самараси бебаҳо юзлаб тадбирлар амалга оширилди.

Ҳуқуқий тарбия ёшларни ҳуқуқ, қонунийлик руҳида тарбиялаш, ҳуқуқий маърифат, қонунга ҳамда ҳуқуқقا нисбатан ижобий муносабатни шакллантириш билан чекланиб қолмай, ёшларнинг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигида, уларнинг ҳуқуқий маданиятида ўзининг тўлиқ ифодасини топади.

Ёшларга инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишни, биринчи ўринда, суд орқали ҳимоя қилишни таъминлаш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳуқуқий ислоҳотларнинг энг асосий вазифаларидан эканлигини ўргатиш муҳим саналади. Зеро, ёшлар қонунийлик ва адолат тантана қилишига қатъий ишониб, қонунни бузган шахс жазосиз қолмаслиги ва мамлакатнинг барча ёшлари бузилган ҳуқуқи тикланишини ҳамда унга етказилган моддий ва маънавий зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақли эканлигини англаб, идрок этишлари лозим.

Зотан, ҳуқуқий тарбия миллий тарбиянинг энг муҳим ва ажралмас таркибий қисми бўлгани боис уни миллий тарбия билан

<sup>5</sup> Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 227-модда.- Б.3.

бевосита алоқадорлика таҳлил ва талқин қилиш мантиқан тўғри бўлади. Миллий тарбия бўйича етук мутахассис профессор М.Қуроновнинг миллий тарбиянинг аҳамияти билан боғлиқ қўйидаги фикрлари эътиборга молик: “Дунёда рўй берган, юз бераётган ҳар бир нотинчлик, низо, баҳтсиз воқеа, бузилган оила, синган тақдир тарихи “лента”сини орқага қайтарсак, тарбияга бориб тақалади. “Олдин пул, кейин маънавият” йўлини тутиш бўлиб чиқади.

Уларнинг бу хатоси “дунёда бой берилган авлод” – “Lost generation”<sup>6</sup> иборасини пайдо қилди.

Бутун бошли оиласлар моддий бойлик ортидан қувиб кетиши. Фарзандлар тарбиясини эса бегоналарнинг қўлига топшириб қўйиши. Тарбиядан (!) вақтларини тежаб, 10 пул фойда топиши ҳам. Бугун эса... жонсарак бўлиб, болаларини қайта тарбиялашга 1000 пул сарфлашмоқда. Лекин самара 10 пуллик бўлаётир. Чунки вақт бой берилган. Мана, сизга “олдин моддий ҳаёт, кейин маънавият” деб яашнинг аянчли оқибати. “Бой берилган авлод” муаммосининг педагогик маҳсули”<sup>7</sup>.

Тарбия дастлаб моддиятга эмас, маънавиятга асосланиши ва ўз вақтида амалга оширилиши ижобий самара берар экан. Тарбия билан боғлиқ оммалашиб кетган бир ривоятни кўп эшитганмиз. Ота донишмандан: “Боламнинг тарбиясини қачон бошлай?” деб сўрабди. “Болангиз неча ёшда?” деб қизиқибди донишманд. “Бир ойлик бўлди” деган жавобни эшитган донишманд: “Бир ой кечикибсиз”, деган экан. Кўпчилик болани туғилган кунидан бошлаб қандай тарбия қилишумкинлигини тасаввур ҳам қилолмайди. Бола уч кунлигига даёқ онасини танишига ҳам айримлар ишонмас. Тадқиқотчи олимлар бир ҳомиладор аёлга ҳар куни айни бир вақтда факат битта эртакни айтиб беришган. Бола туғилиб, олти ёшга етганда турли эртакларни айтиб бера бошлашган. Аёл ҳомиладорлик пайтида эртакка навбат келганда, дастлабки жумлаларни эшитибоқ бола “Мен бу эртакни биламан” деб айтиб берган. Бу илмий ҳақиқат! Демак, бола онанинг қорнидалик пайтидаёқ дунё билан алоқада бўлар экан. Шунданмикан, донишманлар “тарбия бола туғилмасдан олдин бошланса яна-даяхши”, дейишган экан.

<sup>6</sup> Ингл. “Lost generation” – бекарорлик, депрессия шароитида туғилган, худбин, локайд, жамиятга фойдаси тегмайдиган, шафқатсиз аламзада, ичкиликтозликка берилган, жиноий ишларга кўл урган, кўлидан иш келмайдиган, ахлоқсиз кишилар тоифаси.

<sup>7</sup> Қуронов М. Болам баҳтли бўлсин, дессангиз...: ота-оналар учун. – Тошкент: “Маънавият”, 2013. – Б. 44-45.

Уч-тўрт ёшли болакай қўшнисиникидан тухум олиб чиқиб онасига беради. Бола бу қилмишининг ўғирлик эканини билмайди. Тухум кўзига чиройли кўрингани учун олган. Ҳалол ва ҳаромнинг фарқига бориши лозим бўлган, аммо бунга амал қилмайдиган жоҳил она боласини қайтариш ўрнига тухумни унинг қўлидан олиб, боласини рағбатлантириб, мақтайди.

Бола бўлса қўшнисиникидан тухум олиб (ўғирлаб) чиқиши одат қиласиди. Сабаби онасининг қўллаб-қувватлашидан бу ишни тўғри деб билади. Натижада бола улғайгани сари ўғирлик миқдори ҳам ошиб боради. Тухумдан товуқقا, товуқдан қўйга ва ҳ.к. Ниҳоят у ашаддий жиноятчига айланади-ю, қўлга тушиб ўлимга ҳукм қилинади. Онаси бўлса ёлғиз ўғлига раҳм қилишларини сўраб ялинади. Онанинг илтимослари бажарилмай, ўғри дор остига келтирилади. Унга сўнгги тилагини айтишни ва уни бажаришни айтишганда, йигит ўлеми олдидан онасининг тилини тишлаб узиб ташлайди. Йифилганлар бу жуда бемеҳр экан, деб уни айблашади. Йигит эса уларга қаратади: Мени жиноят йўлига буриб, дор остига олиб келган шу тилдир. Аввал у жазоланиши керак деган экан<sup>8</sup>.

Тарбиядан кутилаётган асосий натижа фарзандларимизни тўғри ижтимоийлашуви масаласидир. Ҳаётга тўғри йўналтирилган, мослаштирилган ёшларнинг тўғри йўлдан оғишикам кузатилган ҳодиса саналади. Бугун биз кўп гапираётган иқтисодий тарбия, ҳуқуқий тарбия, сиёсий тарбия, экологик тарбия, диний тарбия, тиббий тарбиянинг мақсадини ҳам айнан миллий тарбия, ёшларнинг реал ҳаётга тўғри ижтимоийлашуви ташкил этади.

**Ҳуқуқий тарбия** бу - шахсда ҳуқуқий маданият ва фаол ҳуқуқий хулқни шакллантириш мақсадида инсонга мақсадга йўналтирилган ҳолда доимий таъсир этишдир. Шу ўринда ҳуқуқий тарбиянинг мазмун-моҳиятига бироз кенгроқ тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Ҳуқуқий тарбия хақида кенг ва тор маънода фикр юритилади. Кенг маънода ҳуқуқий тарбия деганда асосан шахснинг ҳуқуқий жиҳатдан ижтимоийлашуви тушунилади, бунда шахс асосан атроф-муҳит таъсири остида, юридик соҳада яхлит юридик амалиёт

<sup>8</sup>Мазкур тадқиқотни амалга оширишда биз Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясида 2015 йилда нашр этилган Криминология. Махсус қисм: Дарслиги ва Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Маликнинг “Жиноятнинг узун йўли” асаридан фойдаландик.

орқали, одамларнинг хулқи-авори, мансабдор шахсларнинг ҳатти-ҳаракати натижасида унинг ҳуқуқий онги, ҳуқуқга муносабати шаклланади.

Аслида, бундай таъсир бевосита бўлмасдан, балки билвосита амалга оширилади.

Тор маънодаги ҳуқуқий тарбияда эса, шахсга, гурухга нисбатан уларнинг ҳуқуқий онгини ошириш, қонунга итоаткорлик ҳиссини кучайтириш учун бевосита таъсир этилади.

Ҳуқуқий тарбиянинг элементлари бўлиб, тарбия субъектлари – давлат ва унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат ташкилотлари, алоҳида фуқаролар бўлса, тарбия обьектлари - алоҳида шахслар, аҳоли гурухлари – ёшлар, ҳарбий хизматчилар ва бошқалар ҳисобланади.

Ҳуқуқий тарбиянинг **мазмuni** - шахс (гурух) ҳуқуқий онгига ҳуқуқий тарбия восита ва усувлари орқали мақсадга йўналтирилган доимий таъсир этиш жараёнидир.

**Ҳуқуқий тарбиянинг асосий мақсади** – инсонга турмушда керак бўладиган юридик билимларни бериш ва унга қонунларни ҳурмат қилиш ва риоя этишга ўргатишидир. Бинобарин ҳар бир инсон ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини яхши билгани ҳолдагина ўзини тегишлича ҳимоя қила олади.

Ҳуқуқий тарбиянинг **белгилари** сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Ҳуқуқ нормалари ва амалдаги қонунчилик нормаларига асосланади;

2. Тарбияланувчилар онгига нимани қилиш мумкин, нимани эса йўқ эканлигини сингдиради;

3. Ҳуқуқбузарларга юридик жавобгарлик юклаш орқали давлат мажбуровини қўллаш имконига таянади;

4. Ўз таъсири билан нафақат қонунга итоаткор шахсларни, балки, ҳуқуқбузарликка мойил ва уни содир этганларни ҳам қамраб олади;

5. Махсус ҳуқуқий тарбия воситалари ва усувлари орқали амалга оширилади;

6. Махсус юридик билимларга эга бўлган тарбиячилар орқали амалга оширилади.

Ҳуқуқий тарбиянинг **моҳияти** - шахсни ўз интилишлари, хаётдан кутаётганларини жамият манфаатларига мослаштиришга

ҳаракат қилишни, яъни шахснинг ҳуқуқий онгидаги барқарор ҳуқуқий ғоя ва принципларни, ҳуқуқий маданиятни шакллантиришдир.

Ҳуқуқий тарбиянинг **функцияси** бу тарбиялананаётганларга (алоҳида шахсларга, ижтимоий гурӯҳларга); муайян ҳуқуқий билимлар, кўникмалар мажмуасини бериш; тарбияланувчилар ҳуқуқий онгидаги ҳуқуқий ғоялар, ҳис-туйғулар, ички ишончни, ҳуқуқий ҳулққа йўналтирилган қонунга итоаткорликни шакллантириш кабиларда ифодаланади.

Шунга боғлиқ ҳолда ҳуқуқий тарбиянинг **вазифалари доирасига** қўйидагиларни киритиш мумкин:

ҳуқуқ ҳақидаги билимларни шакллантириш;  
ҳуқуқга бўлган ички ишончни шакллантириш;  
ҳуқуқий билимларни амалиётга қўллаш кўникмаси шакллантириш;

ҳуқуқий қоидаларга мувофиқ ҳолда ҳаракат қилиш одатини шакллантириш.

Ҳуқуқий тарбиянинг **методлари** - бу тарбияланувчиларга педагогик, психологик ва бошқа таъсирнинг турли хил усуллари бўлиб, уларга ишонтириш, мажбурлаш, шахсий намуна ва рағбатлантиришлар киради.

Ҳуқуқий тарбия воситалари ўз ичига **ҳуқуқий тарғибот, ҳуқуқий таълим, юридик амалиёт, ўзини ўзи тарбиялашни олади**. Ушбу кўрсатиб ўтилган барча воситаларни қўллаш асосида ҳуқуқ ҳақидаги ахборотларни етказиш, қабул қилиш, ўзгартириш ва ундан фойдаланиш ҳамда уни амалда рўёбга чиқаришни кўзда тутувчи ҳуқуқий хабардорликни амалга ошириш масалалари ётади.

Қонунлар бўлса-ю, лекин ундан фойдаланилмаса, бундан манфаат йўқ. Шунинг учун ҳам ҳуқуқий тарбия эркин фуқаро маънавиятининг биринчи шарти сифатида ўз ҳақ-ҳуқуқини таниш ва бунинг учун курашишни асосий масала қилиб қўйди. Эркиншахсада мулоҳаза қилиш қобилиятиривожланади, у ўз Ватани тақдири ҳақида ўйлайди. Ҳақ гап нима, ҳақиқат қаерда эканлигини фаҳмлайди, тўғри холосага эга бўлади. Шу асосда бундай одам сохта ғоялар, ғаразли таълимотларга берилмайди. Чунки эркин шахс тақлидчи эмас, у юзакиликка берилмайди, бироннинг етагига юрмайди, зомби (манқурт) бўлолмайди.

Алломларнинг фикрича, нима яхшилигини билиш учун нима ёмонлигини, нима қилиш кераклигини билиш учун нима қилмаслик

кераклигини билиш лозим (Л.Толстой). Энди ўзи кичик, лекин оқибати катта бўлган, ҳуқуқий тарбиянинг шаклланишига таъсир этувчи ҳаётимиизда учраб турувчи айрим мисолларни кузатайлик.

Биринчи мисол: Ёшларга ҳаётда ўз олдига катта мақсадлар қўйиб, ўз кучи, билими, ҳаракати билан эришишни ўргатиш муҳим. Таассуфки, бунинг ўрнига айримларимиз: “Тоғанг фалон жойда ишлайди, сени айтган жойингга ишга жойлаб қўяди”, - дея ўғлимизнинг бурчини тоғасига илардик. Тоға эса опасининг юзидан ўтольмай, ўрнатилган тартиб, қоидаларга кўз юмиб бўлса-да, чуқур билимли мутахассис ишлаши керак бўлган вазифага ўртамиёна жиянини жойлаб қўярди.

Иккинчи мисол: Дилфузада дўкондан банан, торт, помидор олди. Нархини сўраб, хушмуомала сотувчи йигитга 27000 сўм тўлади. Раҳмат айтиб чиқиб кетди. Чекини сўрашга ийманди. Оқибати эса тўлаган пули кассага кирим бўлмади. Солик тўланмади. Давлатимиз бюджетига зарар етди.

Учинчи мисол: Инспектор йўл ҳаракати қоидасини бузган кўк Lasettini тўхтатди. Ҳайдовчи Нодирбек ўз хатосини тан олиш ёки хатосини ҳақлигини тушунтириш ўрнига четга ўтиб, кимгадир (ҳойнахой, дадасига) телефон қила бошлади.

Ҳуқуқий тарбияси юксак фуқаролар ўз бурчларига содик бўлишади. Бундай ота-оналар фарзандига: “Ўз устингда ишла. Ўз билиминг, кучинг, ҳаракатингга ишон. Албатта, баҳтли бўласан”, дейди; сотувчи харидор сўрамаса ҳам чекини товарга қўшиб беради. Чунки иккаласи ҳам тўланган пул кассага кирим бўлишини, солик тўланишини – давлатимиз бюджети бойишини истайди; ҳайдовчи йигит дадасига ишониб қоида бузмайди. Барча фуқаролар, айниқса ёшлар ўз бурчларини билиб, амал қилишса бўлди. Ҳар вақт, ҳамма жойда Ватан, ҳалқ, давлат, шахс, истеъмолчи жамоатчилик ҳимоясида бўлади.

Шу ўринда ҳуқуқий тарбиянинг самарадорлигига замин яратувчи “ижтимоийлашув” тушунчасига эътибор қаратиш муҳим. **Ижтимоийлашув** - шахснинг жамият яратган билим ва нормаларни ўрганиши ҳамда хулқ-атворни ўзлаштириши орқали ижтимоий муносабатларда қатнашишидир.

Ёшларнинг ҳуқуқий тарбиясига реал ҳаётдаги мавжуд оила, маҳалла, дин, таълим ва тарбия муассасаларидағи **ижтимоий муҳит** кучли таъсир этади. Шу боис ижтимоийлашувнинг ушбу белгиларни ҳисобга олмай ёшлардаги ҳуқуқий тарбия ҳақида сўз

юритиб бўлмайди.

Ёшлар ҳуқук, сиёsat, давлат ва жамият ҳақида илк тасаввурларни оиласида, мактабгача таълим муассасаларида, умумтаълим мактабларида, кейин эса академик лицей ва касб-хунар коллежларида олишади. Бироқ, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимлари камлик қилиши, айниқса янги ижтимоий муҳит – олий ўкув юргига ўтиши билан аён бўлади. Янги ижтимоий муҳитда талаба янги ҳуқуқий норма ва тартибларга дуч келади, уларга итоат этишга мажбур бўлади. Ҳуқуқий тарбия, ҳуқуқий маърифат, ҳуқуқий маданият талабаларнинг янги ижтимоий муҳитга мослашишида асосий вазифани бажаради.

Ёшлар ижтимоий, диний, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва маданий жиҳатдан ижтимоийлашуви натижасида жамиятда ўз ўрнини топишга эришади. Сабаби **ижтимоийлашув** шахснинг болалигидан жамиятнинг қайд этилган устувор йўналишларида мавжуд ёзилган ва ёзилмаган нормаларни ўзлаштириб, етарли тажриба тўплаб боришидир. Тўғри ижтимоийлашув натижасида ёшлар **ижтимоий фаолликка** эга бўлишади.

**‘Ижтимоий фаоллик** – ижтимоий субъектлар (жамият, табақа, груп ва шахслар)нинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштирокининг, меҳнат ҳамда маданий-маърифий фаолиятининг кучайиши, қонунда белгилаб қўйилган ҳуқук ва бурчларини тўлиқ амалга оширишга интилиши. Ижтимоий фаоллик шахснинг жамиятда ўз ўрнини топиши ва хулқ-атворини онгли равишда бошқаришнинг асосий шарти ҳисобланади. Ижтимоий фаолликнинг уч тури мавжуд: ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва маданият, меҳнат ҳамда турмуш соҳасидаги, меҳнат фаоллиги меҳнат муносабатлари соҳасида намоён бўлади ва субъектнинг касбий-ижтимоий вазифани бажариши билан боғлиқ ҳолда юзага чиқади. У ижтимоий фаолликнинг асосий, белгиловчи тури сифатида эътироф этилади. Унинг шакллари қуйидагича: тежамкорлик, саранжомлик учун ҳаракат, илмий-техникавий ижодда иштирок этиш, рационализаторлик, ихтирочилик ва бошқа ҳаракатлар. Ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва маданият ҳамда турмуш соҳасидаги фаоллик шахснинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий жараёнлардаги, шахсий ҳаётдаги фаолиятида намоён бўлади”<sup>9</sup>.

<sup>9</sup> Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли лугати. – Т.: Faafur Fулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2013. – Б. 90.

**Ижтимоий фаоллик**, унинг асослари бўлган ўзликни англаш ва ўзини-ўзи бошқариш ўсмирлик давриданяққол намоён бўлади. Дарҳақиқат ўсмирда ўзининг ички дунёсига қизиқиш уйғонади, кейинчалик эса у чуқурлашиб боради ҳамда дифференциялашув ва умумлашув ҳолатига айланади. Илк балоғат даврида ёшлар ўзининг яхлит шахс эканлигини ҳис эта бошлайди. Айниқса ҳуқуқий ижтимоийлашув давлат ва жамият тарққиётида муҳим аҳамиятга эга.

Ҳуқуқшунос олим, профессор Х.Одилқориев: “Аслида, ҳуқуқий маданият ўз моҳият-эътибори билан инсоннинг сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатдан **ижтимоийлашуви** (социализацияси) натижасидир. Бунда инсоннинг ижтимоий тажрибаси, билим ва кўникмалари тўлалигича намоён бўлади. Инсон ўз манфаат ва эҳтиёжларини қондиришга қай даражада қобил, айни вақтда, жамият манфаатларини таъминлашга қанчалик самарали ҳисса қўша олади, деган саволларга жавоб кўп жиҳатдан унинг ички маънавияти, эътиқоди ва ҳуқуқий маданиятга боғлиқ.

Шахснинг ҳуқуқий ижтимоийлашуви унинг жамият ҳуқуқий ҳаёти ва амалиётига фаол дахлдорлик ҳолатини кўрсатади. Мазкур дахлдорлик даражаси шахс ҳуқуқий билимларини қадам-бақадам ўзлаштириб боргани сайин ўсиб боради ва унинг ҳуқуқий меъёрларига онгли, ихтиёрий риоя этиш савияси орқали намоён бўлади”<sup>10</sup> деб таъриф беради.

Ҳуқуқий ижтимоийлашувнинг ижобий ёки салбий таъсири ёшларга жуда сезиларли бўлади. Ёшларнинг болаликдан билиб-бильмай ёлғон гапириши, бироннинг нарсасини сўрамай олиши, топшириқни вақтида бажармаслиги, белгиланган вақтга кечикиш каби ёмон хулқни одат қилиши кейинчалик қоидабузарлик, ҳуқуқбузарликва жиноятларнинг содир этилишига олиб келиши мумкин. Сабаби масаланинг моҳиятини англамаслик ва тарбиянинг ноқислиги болани шунга одатлантириб қўяди. Натижада бола жиноятга қўл уради.

Ана шунда “ким айбдор?” дея, ахтаришга тушилади. “Боланинг ёмон йўлга кириб кетишига ким айбдор?” деган саволга: ота-она; мактаб; милиция; маҳалла, қўни-қўшни; телевидение, интернет, телефон каби жавоблар келтирилади. Айбдорни топиш аксарият ҳоларда мушкуллигича қолади.

Болалар аслида муайян бир оиланинг фарзанди, лекин бир

<sup>10</sup> Одилқориев Х. Конституция ва фуқаролик жамияти. – Т.: Шарқ, 2002. – Б.– 225.

вақтнинг ўзида эса жамиятнинг, мамлакатнинг фарзандидир. Ижтимоий-сиёсий нуқтаи назардан қараганда, улар эртанги тарихнинг яратувчилари дидир. Ҳуқуқий томондан олсак, улар ҳам эрта-индин ота-она бўлишади. Улар ҳам эрта-индин ўз фарзандларини тарбиялашади. Ўз ота-оналарига ғамхўрлик қилишади. Бизнинг фарзандларимиз – бизнинг кесалигимиздир. Тўғри тарбия – хайрли оқибат, яъни саодатли кексалик. Ёмон тарбия – ғам-аламга, хорликка қоришган қариликдир. Фақат бу эмас эл-юрга олдида бурчимишини бажара олмаганимиз оқибатида қонуний айбимиздир.

Мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқий тарбияси – стратегик масала эканлигидан келиб чиқиб, бугун мамлакатимиздаги узлуксиз таълим тизимида таълим–тарбия усусларини қайта кўриб чиқишимиз зарур. Фарзандларимизда мураккаб вазиятларда тўғри ечим, қарорлар қабул қила олиш кўнималарини шакллантиришимиз керак. “Биз ёшларимизга “Сен конституциямиздаги нормаларни карра-каррадек билишинг керак, дея олишимиз керак...”. Бу фикр ҳар бир ўқитувчи, мураббийдан ўз ишини танқидий кўриб чиқишини талаб қиласди. Нима учун?

Бу фикрнинг аҳамиятини англаш учун бир ҳуқуқий вазиятни кўз олдимизга келтирамиз: Сиз 7-синфга кириб, “Сиз Ватан олдидаги қандай бурчларингизни биласиз?”. “Ота-онангиз олдидаги қайси бурчларингизни биласиз?”, деб сўрасангиз, турли жавобларни оласиз. Лекин 7 га 7 ни қўшсак, неча бўлади, десангиз, ўқувчилар хор бўлиб, яқдиллик билан “Ўн тўрт!”, деб мағрур жавоб беришади. Нега шундай? Чунки  $7+7=14$  да, аниқлик таъминланган. “Ўзбекистон ёшларининг Ватан олдида қандай бурчлари бор?” деган саволга жавобда эса шу аниқлик йўқ. Нега? Чунки шу пайтгача тарбиявий ишлар тизими олдига аниқлик, кафолатни таъминлаш талаби қўйилмаган. Демак, биз зудлик билан тарбиявий ишларимизни мавҳумликдан тозалаб, аниқлик сари интилишимиз керак. Токи фарзандларимиз ўзларининг Ватан олдидаги бурчларининг дастлаб лоқал 3 тасини, кейинги йил 5 тасини аниқ, яқдиллик билан мағрур “карра-каррадек” билсин, амалда қўллашга тайёр бўлсин. Ана шунда бу аниқ билимлар эртага уларнинг ҳаётда турли вазиятларда иккиланмасдан, тўғри қарор қабул қилишларида мадад бўлади.

Мамлакатимизда ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этишда ёшларнинг тарбиясига стратегик масала

сифатида алоҳида эътибор қаратиш лозим. Зотан, бу борадаги давлатимиз томонидан белгилаб берилган эркин фуқаро маънавиятининг биринчи шарти сифатида ўз ҳақ-хуқуқини таниган ва бунинг учун курашишга қодир эркин шахсни тарбиялаш бўйича хуқуқий тарбияни амалда тўлиқ тизимлаштириб, такомиллаштирмасдан туриб, хуқуқий демократик давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш каби буюк мақсадимизга эриша олмаймиз.

## **2. ЁШЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИ МАСАЛАСИ ВА УНИНГ СОДИР ЭТИЛИШ САБАЛЛАРИ**

Ёшларни тўғри тарбиялаш устувор масала. Қонунларни кучайтириш, жазони қаттиқлаштириш ҳам керак. Лекин бу билан жамиятдаги муаммони ҳал этиб бўлмайди. Ҳаммасини болаликдан, тарбиядан бошлаш керак. Ёшларда соғлом фикр ва ғоя куртакларини шакллантириш зарур. Ўзликни англаш ғоясини амалга ошириш лозим. Ёшларнинг ҳаётда ўзининг муносаб ўрнини топишига эришиш керак. Шунда миллат тўқис баҳтга эришиш мумкин.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов: “Адолат ғояси – жамият ҳаётининг ҳар бир соҳасини қамраб олиши зарур, Қонунчиликнинг ҳар бир соҳаси шаклланиши - давлат ва фуқаро муносабати, меҳнат ва уй-жой, нафақа ва солиқ, табиатни муҳофаза этиш ва жиноий жавобгарлик ушбу ғоя билан бошланиб, ушбу ғоя билан тугалланиши керак”<sup>11</sup> деб ёзган эди. Дарҳақиқат, бу фикрда адолат устуворлиги қонун устуворлигининг муҳим шарти эканлигига эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев жамиятда адолатни қарор топтириш масаласини қўйидагича изоҳлайди: “Шу сабабли ана шу Қонун талабларини бажармаётган раҳбар ва мансабдор шахсларни нафақат маъмурий, балки жиноий жавобгарликка тортиш зарур, деб ҳисоблайман.

Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак ва бу ҳақиқатни, аввало, барча бўйиндаги

---

<sup>11</sup>Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. – Т.: Ўзбекистон, 1993.-Б. 10-11.

раҳбарлар яхши тушуниб олиши зарур”<sup>12</sup>. Давлатимиз раҳбари жамиятда адолатни қарор топтиришда хуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратиб, унда хуқуқий маърифат, маҳалла ва участка профилактика инспекторларининг фаолиятини самарали ташкил этишни устувор вазифа сифатида белгилайди.

Дастлаб таҳлилни жиноят тушунчасининг моҳиятидан бошлаш масаланинг ечимини ойдинлаштиришга ёрдам беради. Юридик энциклопедик луғатда: “Жиноят – Жиноят кодекси билан тақиқланган, айбли, ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жазо қўллаш таҳди迪 билан жиноят деб ҳисобланади. Жиноят бошқа қоида бузарликлардан ўзига хос жиҳатлари билан ажralиб туради. Бу қилмишнинг ижтимоий хавфсизлигиdir. Чунки жиноят натижасида жамият ва шахс учун ҳам моддий, ҳам маънавий заарар етказилади. Шунинг учун жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси жиноий оқибатда акс этади”<sup>13</sup> деб таъриф берилади. Демак жиноят тушунчаси ўзининг ижтимоий хавфи, айблилиги, қонун билан тақиқланганлиги каби хусусиятлари билан бошқа қоида бузарликлардан фарқ қилас экан.

Криминология фани эса жиноят – бу жиноятчиликнинг индивидуаллаштирилган (муайянлаштирилган) кўриниши деб тушунтиради. Айтиш мумкинки, жиноят индивидуал аҳамиятга эга тушунча ҳисобланар экан. Шу нуқтаи назардан қриминология айrim жиноятни эмас, балки уларнинг мажмуи – «жиноятчилик»ни ўрганади. Шу боис жиноятчилик жиноятларнинг оддий йиғиндиси эмас, балки айrim жиноятлардан фарқ қиласиган, янги, яхлит ва узвий ҳодисадир.

Дарҳақиқат, жиноятчилик нисбатан оммавий хусусиятга эга бўлган ва айни вақтда одамлар ва жамият манфаатларига ошиқча ижтимоий хавф туғдирадиган, амалдаги жиноят қонунчилигига жиноят деб эътироф этилган ижтимоий белгиланган қилмишлар (ҳаракатлар ёки ҳаракатсизлик)нинг муайян мажмуидир.

Бинобарин, юридик адабиётларда “жиноятчилик – 1) давлат ва хуқуқ назарияси, криминология асосларига кўра, жиноятчилик

<sup>12</sup> Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 24 йиллигига бағишлиган тантанали маросимдаги маърузаси. Халқ сўзи газетаси, 2016 йил 8 декабрь.

<sup>13</sup> Юридик энциклопедия /Юридик фанлар доктори, профессор у. Таджихановнинг умумий таҳририда. – Т.: Шарқ, 2001. – Б. 156 (656).

кенг маънода у ёки бу жамиятдаги барча қонунбузарликларнинг умумлашган тушунчаси сифатида қўлланилади; 2) тор маънода жиноят ва унинг мавжудлиги тушунилади ва айнан жиноятчиликка оид қонунларни бузиш жиноятчилик деб ҳам ўрганилади”<sup>14</sup> деган таъриф берилган.

Шу нуқтаи назардан бугун мамлакатимизда ёшлар жиноятчилигининг содир этилиши ва унинг сабабларини илмий оммабоп тарзда таҳлил этиш долзарб аҳамият касб этади. Ушбу масалага тўхталганда, дастлаб масаланинг мантиғига эътибор қаратиш муҳим бўлади. Зотан, ҳеч ким жиноятчи бўлиб туғилмайди. Аксинча у авваломбор инсонда муайян ижтимоий муҳит таъсирида одатга, кейинчалик касбга айланади.

Ёшлар жиноятчилиги ва унинг содир этилиш сабаблари ҳам айнан тарбия ва тегишли ижтимоий муҳит таъсири билан боғлиқ. Зоро, “...инсоннинг энг соғ ва покиза туйгулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади. Боланинг характерини, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар – яхшилик ва эзгулик, олижаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида қарор топиши табиийдир”<sup>15</sup>.

Кўпчилик ота-оналар бола тарбиясини биламиз, деб ўйлашади. Бу фикрнинг тўғрилигини аниқлаш учун ўзимизга “Мен тарбиянинг қайси усулларини қўллаяпман?”, деган саволни бериб кўрайлик. Бир қўлимизнинг бармоқларича бормикан санаганларимиз? Ваҳолонки, товуқ боқиши, газдан, кредитдан фойдаланишнинг усулларини мутахассисдан бориб сўраймиз. Уларнинг маслаҳатларини оламиз. Бироқ боламиз ўғри ёки ёлғончи бўлса, бетимизга тик қараб ўшқирганида ҳам нега бундай бўлди, нима қиласай, деб педагог-психологлардан сўрамаймиз.

Ҳеч бир бола жиноятчи бўлиб туғилмайди. Жиноятчи ким? У – ўзимизнинг боламиз, ўзимизнинг боғча, мактаб, коллежларни битирган. Биз – жамоатчилик уни тарбиявий, маънавий-мафкуравий, ҳуқуқий эътибордан четда қолдирганимиз, миллий-тарбиявий, ҳуқуқий профилактик лоқайдлигимиз учун ўсмирнинг ҳуқуқий мафкураси бузилди. Ўзи туғилиб ўсган, тузини еган Ватани, маҳалладоши, ҳамқишлоғининг манфаатига, жонига,

<sup>14</sup>Юридик энциклопедия /Юридик фанлар доктори, профессор у.Таджихановнинг умумий таҳририда. – Т.: Шарқ, 2001. – Б. 163.

<sup>15</sup>Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б. 52.

мулкига тажовуз қилди. Шу ўринда “Харбий тайёргарлик муҳим, лекин ўқни қаёққа қараб отишни мафкура ҳал қиласи”, деган машхур ҳикмат ёдга тушади”.

Ёшлар жиноятчилигининг генезисини Ўзбекистон ҳалқ ёзувчиси, ёшлар жиноятчилигини ўрганиш бўйича йирик мутахассис Тоҳир Малик қуидагича таърифлайди: “Хулиган” – англиялик бир безорининг насаби (фамилияси), ҳеч кимга сўз бермай, жанжал қилишда ном чиқарган бу йигитнинг насаби дунё бўйича атамага айланиб қолган. Аввалари безори болаларни “самарска” деб ҳам аташарди. Ўттизинчи йилларда Самара шаҳридан ёпирилиб келган оч-юпун болалар ўғирлик, талончилик билан шуғулланишган. Ҳалқ шуларга ўхшаган болаларни “самарска” деб атаган. Бундай болаларни шўхлик билан жиноятчи орасидаги тоифа десак ҳам бўлар. Шўхлик меъёридан ошса, шўмлик бошланади, бу вақтда тўхтатилмаса, жиноят эшикларини очади. Шу сабабли ҳам ҳалқда “Шўх бўлса майли-ю, шум бўлмасин”, деган гап бор”<sup>16</sup>.

Демак, ёшлар жиноятчилигининг тарихи ва илдизи хийла узок ҳамда жуда элементар хусусиятига эга. Яъни боланинг оддий шўхлик доирасидан чиқиши, шумликка, хуқуқбузарлик ёхуд жиноятга элтар экан. Барча замонларда ҳам ёшлар жиноятчилиги ўзига хос тарзда мавжуд бўлган.

Глобалистика ҳалқаро энциклопедик луғатида қайд этилишича, 1995 йилдан 2005 йилгача дунёда 15 ёшдан 24 ёшгacha бўлганлар 1 млрд. 25 млн.дан 1 млрд. 153 млн.гача ўсган. XXI асрнинг бошигача ёшлар дунё умумий аҳолисининг 18 фоизни ташкил этган. Дунё бўйича ёшларнинг 130 млн. саводсиз, 88 млн. ишсиз ва 10 млн. ВИЧ/СПИД касалига чалинган. Ёшлар томонидан жиноят содир этиш айрим мамлакатларда 30 фоизга ошган<sup>17</sup>. Мазкур маълумот ёшлар жиноятчилиги муаммоси ҳар бир замонда ўзига хос тарзда мавжуд бўлганининг далилидир.

Агар бугунги кунда ёшлар жиноятчилигининг ўзига хос хусусиятларига эътибор қаратсак, унда замон талабларининг таъсири яққол кўринади. Кейинги бир йил мобайнида “ўргамчак тўри” деб аталмиш интернет орқали “Кўк кит” деб номланган хавфли ўйин МХД мамлакатлари орасида кен тарқалди. Баъзи

<sup>16</sup> Малик Тоҳир. Жиноятнинг узун йўли. – Т.: “DAVR PRESS”НМУ, 2016 – Б.18.

<sup>17</sup> Глобалистика: Международный междисциплинарный энциклопедический словарь \ Гл. ред.: И.И.Мазур, А.Н.Чумаков. – М.: «ЕЛИМА», ИД «Питер», 2006. – С. 577.

маълумотларга кўра, 2016 йилда Россияда 720, Қирғизистонда 95, Қозоғистонда 33 ўсмирнинг ушбу ўйин туфайли ўз жонига қасд қилишга урингани қайд этилган. Россиянинг “Vkontakte” ижтимоий тармоғида “Кўк кит” “f57” “f58”, “4.20да мени уйғот”, “Китлар денгизи”, “Югурасан ёки ўласан” номи билан 300 дан ортиқ разил суиқасд гуруҳлари мавжуд. Ачинарлиси, уларнинг домига илинаётганлар, асосан, ҳаётнинг аччиқ-ччугини ҳали англаб етмаган ўсмирлардир.

Истеъдодли ёзувчи Назар Эшонқул мақоласида: “Бир танишим айтиб берди. Қайсиdir коллежда бешта қиз бир қизни худди кўрган клипларидаги каби ҳожатхонада калтаклашибди. Арзийдиган сабаб йўқ, лекин бу ёш қизлар қўрганларини ҳаётда синаб кўрмоқчи бўлишибди. Танишим оддий воқеа сифатида гапирди. Аммо мен қизларнинг, ёшларимизнинг ичига кириб олаётган таҳдид шарпасидан хавотирга тушдим”<sup>18</sup> деб ёзади. Бу воқеа бир қараганда оддий ҳолатдек кўринади, бироқ у тўқликка шўхлик натижасида жиноят дарвозаси томон ҳаракат эканлигини англаш лозим.

Одам ўзинингҳуқуқ ва мажбуриятларини англамасдан, ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда ўзгаларнинг ҳуқуқларига дахл қилиш ёшлар жиноятчилиги турларининг кўпайишига замин яратмоқда. Одамнинг ҳуқуқ доираси чегараси бошқа шахснинг ҳуқуқлари пайдо бўлганда тугайди деган қоида мавжуд. Жумладан, сўнгги йилларда вояга етмаган қизлар томонидан ва уларнинг иштирокида содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳамда жиноятлар ҳам учраб турибди. Бунга мисол тариқасида 1996 йил 5 январда туғилган, вояга етмаган Сариосиё тумани Maiший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежининг 2-курс ўқувчиси Т. 2013 йил 15 декабрь куни эрталаб соат 6.30 ларда онаси X.ни ўзаро келишмовчилик натижасида қасдан ўлдириш мақсадида, ошхонада турган рўзғорда фойдаланиб келинган темир болта билан турли жойларига уриб, қасдан ўлдирган. Ва ушбу ҳолат юзасидан Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми “ж” бандига кўра жиноят иши кўзғатилган<sup>19</sup> нини келтириш мумкин.

<sup>18</sup> Назар Эшонқул. Озодлик масъулияти ёхуд миллатнинг уйғоқлиги. Hurriyat 2015 йил, 8 июль

<sup>19</sup> Бердиев Ш. Вояга етмаганлар томонидан ҳуқуқбузарлик содир килинишининг олдини олишнинг ўзига хос хусусиятлари / Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни ижросини таъминлашнинг асосий йўналишлари. Республика илмий-амалий конференция материаллари (2015 йил 12 март).- Т.:Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – Б. 26.

Демак ёшлар жиноятчилигини келтириб чиқарувчи сабабларга аксарият ҳолларда тезкор замоннинг мафкуравий омиллари сабаб бўлаётганини кўриш мумкин. Юриспруденция соҳасида “ёшлар жиноятчилиги” кўпроқ, “вояга етмаганлар жиноятчилиги” тушунчаси орқали қўлланилади.

Юридик жиҳатдан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида вояга етмаганларнинг жиноий жавобгарлигига бағишенган алоҳида VI бўлим мавжуд. Ушбу бўлимнинг 81-90-моддаларида унинг ўзига хос томонлари акс эттирилган. Хусусан, жиноий жазо билан бир қаторда мажбурлов чоралари (88), жиноий жавобгарликдан ёки жазодан (87, 89-модда) озод этиш имкониятлари қўзда тутилади.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процесуал кодексида вояга етмаганларнинг ишлари бўйича жиноий ишларни юритиш маҳсус 60-боб сифатида юритилган. Унинг хусусиятлари ана шундай шаҳсларни айблаш бўйича жиноят ишларини юритиш тартиби, умум қабул қилинган исботланиши талаб этиладиган ҳолатлардан ташқари аниқланиши керак бўлган қўшимча шартшароитлар, вояга етмаганлар ишларининг алоҳида кўрилиши, сўроқда педагог иштирок этиши, судда жиноят ишини кўриб чиқишининг ўзига хослиги ва бошқа масалалари ўз ифодасини топган.

Илмий нуқтаи назардан ёндашганда, Криминология фани жиноятчилик, унинг сабаб ва шарт-шароитлари, жиноятчи шахси, жабрланувчи шахси, жиноятлар профилактикасининг моҳияти, хусусияти ва қонуниятларини ўрганувчи, жиноятлар профилактикаси самарадорлигини ошириш чораларини ишлаб чиқувчи ҳамда улар билан жиноятчиликка қарши кураш амалиётини таъминловчи ижтимоий-хукуқий фандир.

Криминологик билимларнинг бебаҳолиги шундаки, улар жиноятчиликка қарши кураш амалиёти субъектларининг фаолиятида асосий қўлланма бўлиб хизмат қиласиди.

Вояга етмаганлар жиноятчилигининг аҳволини одатда вояга етмаганлар жиноятларининг барча жиноятчилик ичидаги улуши кўринишида кўринишида баҳолаш қабул қилинган. Чунки, жиноятчиликнинг тузилишини ўрганиш унинг моҳиятини, ички қонуниятларини очиб беришга ёрдам беради. Вояга етмаганлар жиноятчилиги ҳиссасини ўрганиш аавломбор жиноятчиликнинг умуман жамиятнинг қандай аҳволда эканлигини кўрсатиб беради.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий маълумотига кўра, мамлакатимизда вояга етмаганлар ёки улар иштирокида содир этилган жиноятлар тўғрисидаги маълумотлар қўйидаги қўринишга эга. Республикаизда **фақат вояга етмаганлар томонидан 2014 йилдан содир этилган жиноятлар** жами 1194 тани ташкил этган. Шундан, қасддан одам ўлдириш ва ўлдиришга суиқасд қилиш 11та, баданга қасддан оғир жиноят етказиш 45 та, товламачиликка оид эса 1 та, номусга тегиши ва номусга тегишига суиқасд қилиш 30 та, ўғирлик 494 та, талончилик ва босқинчилик 78 та, фиригарлик 25 та, безорилик 118 та, гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятлар 8 та, иқтисодиёт асосларига қарши, хўжалик фаолияти соҳасидаги, бошқарув органларининг фаолият тартибига қарши 9 та, бошқа турдаги жиноятлар 370 тани ташкил қилган.

Шунингдек, 2014 йилда **вояга етмаганлар иштирокида содир этилган жиноятлар** эса жами 758 тани ташкил этган. Жумладан, қасддан одам ўлдириш ва ўлдиришга суиқасд қилиш 8 та, баданга қасддан оғир жароҳат етказиш 21 та, товламачиликка оид эса 4 та, номусга тегиши ва номусга тегишига суиқасд қилиш 7 та, ўғирлик 361 та, талончилик ва босқинчилик 120 та, фиригарлик 9 та, безорилик 74 та, гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятлар 11 та, иқтисодиёт асосларига қарши, хўжалик фаолияти соҳасидаги, бошқарув органларининг фаолият тартибига қарши 7 та, бошқа турдаги жиноятлар 136 тани ташкил қилган.

Мамлакатимизда 2015 йилда **фақат вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар** жами 1094 тадан иборат бўлган. Шундан, қасддан одам ўлдириш ва ўлдиришга суиқасд қилиш 10 та, баданга қасддан оғир жароҳат етказиш 55 та, товламачиликка оид эса 3 та, номусга тегиши ва номусга тегишига суиқасд қилиш 36 та, ўғирлик 514 та, талончилик ва босқинчилик 62 та, фиригарлик 21 та, безорилик 105 та, гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятлар 9 та, иқтисодиёт асосларига қарши, хўжалик фаолияти соҳасидаги, бошқарув органларининг фаолият тартибига қарши 6 та, бошқа турдаги жиноятлар 273 тани ташкил қилган.

Жумладан, 2015 йилда **вояга етмаганлар иштирокида содир этилган жиноятлар** эса жами 698 тани ташкил этган. Жумладан, қасддан одам ўлдириш ва ўлдиришга суиқасд қилиш 7 та, баданга қасддан оғир жароҳат етказиш 20 та, товламачиликка оид эса 7 та, номусга тегиши ва номусга тегишига суиқасд қилиш 9 та, ўғирлик 339

та, талончилик ва босқинчилик 84 та, фирибгарлик 10 та, безорилик 71 та, гиёхвандлик билан боғлиқ жиноятлар 16 та, иқтисодиёт асосларига қарши, хўжалик фаолияти соҳасидаги, бошқарув органларининг фаолият тартибига қарши 7 та, бошқа турдаги жиноятлар 128 тадан иборат бўлган.

Республикамизда 2016 йилда *фақат вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар* жами 1160 тани ташкил этган. Шундан, қасддан одам ўлдириш ва ўлдиришга суиқасд қилиш 9 та, баданга қасддан оғир жароҳат етказиш 59 та, товламачиликка оид эса 11 та, номусга тегиши ва номусга тегишига суиқасд қилиш 24 та, ўғирлик 547 та, талончилик ва босқинчилик 64 та, фирибгарлик 25 та, безорилик 85 та, гиёхвандлик билан боғлиқ жиноятлар 16 та, иқтисодиёт асосларига қарши, хўжалик фаолияти соҳасидаги, бошқарув органларининг фаолият тартибига қарши 11 та, бошқа турдаги жиноятлар 309 тани ташкил қилган.

Шундан, 2016 йилда *вояга етмаганлар иштирокида содир этилган жиноятлар* эса жами 544 тани ташкил этган. Жумладан, қасддан одам ўлдириш ва ўлдиришга суиқасд қилиш 5 та, баданга қасддан оғир жароҳат етказиш 9 та, товламачиликка оид эса 13 та, номусга тегиши ва номусга тегишига суиқасд қилиш 3 та, ўғирлик 283 та, талончилик ва босқинчилик 65 та, фирибгарлик 9 та, безорилик 44 та, гиёхвандлик билан боғлиқ жиноятлар 4 та, иқтисодиёт асосларига қарши, хўжалик фаолияти соҳасидаги, бошқарув органларининг фаолият тартибига қарши 16 та, бошқа турдаги жиноятлар 93 тани ташкил қилган<sup>20</sup>.

Ушбу статистик маълумотлар динамикасидан республикамизда вояга етмаганлар томонидан ва улар иштирокидаги содир этилган жиноятлар ўтган йиллар давомида камайганини кўриш мумкин. Бунинг сабаби, фикримизча мамлакатимизда ёшларнинг мазкур тоифаси томонидан содир этилаётган жиноятларга қарши тегишли чора-тадбирлар белгилангани ҳамда уларнинг олдини олиш бўйича муайян амалий ишлар қилингани билан изоҳланади.

Криминология дарслигида қайд этилишича: “Ижтимоий хавфлилик даражаси бўйича вояга етмаганлар жиноятларининг тузилиши таҳлил қилинганда, охирги ўн йилда улар томонидан содир этилган жиноятларнинг ҳар йили ўртacha 6 фоизини ўта оғир

<sup>20</sup>Мазкур маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2017 йил 28 апрелдаги расмий хати асосидаги маълумотидан олинди.

жиноятлар, 18 фоизини оғир жиноятлар, 76 фоизини эса унча оғир бўлмаган ва ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар ташкил этган. Агар биз уларнинг динамикасига эътибор берадиган бўлсак. Вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган оғир ва ўта оғир жиноятлар ҳиссасининг камайиб бораётганлигини, унча оғир бўлмаган ва ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар ҳиссаси ошиб борганлигини кузатишимиш мумкин.

Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларнинг тузилишини таҳлил қилиш бизга уларнинг ижтимоий хавфлилик даражасини янада чуқурроқ ўрганиш имкониятини беради. Вояга етмаганлар томонидан содир этилган зўравонлик жиноятлари таҳлил қилинганда, охирги ўн йилда уларнинг 8 фоизини қасдан одам ўлдтириш, 20 фоизини оғир тан жароҳати етказиш, 11 фоизини номусга тегиш, 61 фоизни безорилик ташкил ташкил этган. Агарда биз уларнинг динамикасига эътибо берадиган бўлсак вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган безорилик ҳиссасининг эса камайиб бораётганлигини кузатамиз.

Вояга етмаганлар томонидан содир этилган ғаразгўйлик жиноятлари таҳлил қилинганда, охирги ўн йилда уларнинг 7 фоизини босқинчилик, 16 фоизини талончилик, 77 фоизини ўғирлик ташкил этган.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, вояга етмаганлар томонидан ғаразли мақсадларда жиноят содир этилиши аввалги йилларга нисбатан кўпаймоқда, уларнинг ҳиссаси 55-60 фоизни ташкил этмоқда.

Вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган жиноятлар иштирокчилик асосида, яъни гуруҳ таркибида содир этилиши вояга етмаганларни табиатига хос ҳолат ҳисобланади. Бугунги кунда вояга етмаганлар жиноятларнинг 14-15 фоизи гуруҳ таркибидан содир этилаётганлиги қайд этилмоқда<sup>21</sup>.

Жиноят содир этган вояга етмаганларга оид статистик маълумотлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, жиноят содир этгани учун аниқланган вояга етмаганларнинг ҳар йили ўртача 77-79 фоизи жиноий жавобгарликка тортилган.

Умуман олганда ёшлар жиноятчилигининг содир этилиши сабаблари, бизнингча қуидагилар билан боғлиқ. Вояга етмаганлар руҳиятидаги ишлаб чиқаришда иштирок этиш ва ўқишда

<sup>21</sup> Криминология, Махсус қисм: Дарслик /И.Исмоилов, Қ.Р.Абдурасулова ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – Б.7.

муваффақиятларга эришиш, дам олиш ва ҳордиқ чиқариш каби эҳтиёжлар билан кечади. Шунинг учун ҳам шахсий эҳтиёжларни қондириш, яъни замонавий кийиниш, дам олишда турли майший хизмат тармоқларидан фойдаланиш (видеотека, дискотека, эътиборли истироҳат масканларида кўнгилхушлик қилиш учун) зарур бўлган моддий манбаларга эришиш истаги кучли бўлади. Бундай вазиятларда вояга етмаган шахсларда ўз моддий эҳтиёжларини қондириш учун ғайриқонуний йўл танлаш ҳисси кучаяди ва унинг хулқида салбий хислатлар ривожланиши мумкин.

Фикримизча, вояга етмаганлар томонидан жиноят содир этилишининг асосий сабабларидан бири, уларнинг табиатида маънавий ва ҳуқуқий қадриятларни менсимаслик хусусиятларининг мавжудлигига кўринади. Шунинг учун ушбу иллат шахсни турли ҳуқуқбузарликлар содир этишга олиб келади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, вояга етмаган жиноятчи шахсларнинг хулқига хос бўлган барча салбий хислатларни илмий жиҳатдан билиш улар орасида учрайдиган жиноятларнинг олдини олишни ташкил этишда муҳим аҳамиятга эгадир.

### **3. ЁШЛАР ОРАСИДА ЖИНОЯТ СОДИР ЭТИШДА ЁШ ХУСУСИЯТИНИНГ ТАЪСИРИ ВА РОЛИ**

Ёшлар ҳар бир давлатнинг келажагини, салоҳиятини белгиловчи муҳим ижтимоий қатлам саналади. Зоро, ҳар бир жамиятнинг ҳолати, тақдири ва истиқболи унда яшаётган ёшларнинг салмоғи, маънавияти ва онглилиги даражаси билан белгиланиши шубҳасиз. Бу халқимизда «Нима эксанг шуни ўрасан” қабилидаги мақолнинг мантиқий ифодаси сифатида талқин этилиши ҳам бежиз эмас. Ёшлар жамиятнинг эртанги келажаги, унинг фаол аъзоси, таъбир жоиз бўлса жамият эртасининг муносиб ворисларидир. Мазкур нуқтаи назарга кўра ҳам ёшлар давлат ва жамият томонидан доимий эътибор талаб этадиган ижтимоий қатламдир.

Фикримизча, ёшлар масаласининг стратегик аҳамиятида келиб чиқиб, ёшлар орасида жиноят содир этилишида ёш хусусиятининг, ёш чегара доирасини илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этиб, ёшлар категориясининг босқичларига тўхталиш тўғри бўлади. Бинобарин, ҳозир мазкур йўналишдаги тадқиқотларда бунга етарли эътибор

қаратылмаяпти. Аксарият тадқиқотларда ёшлар категориясига умумий, анъанавий ёндашув сақланиб қолмокда. Ваҳоланки ёшлар категориясининг ҳам ўзига хос босқичлари мавжуд. Муаммонинг илий ечимини топишда бу муҳим аҳамиятга эга. Ёшлар ўзига хос ижтимоий гурух сифатида мунтазам олимлар томонидан олиб бориладиган илмий тадқиқотларнинг диққат марказида бўлади, сабаби айнан ёшлар мамлакатимизда юз бераётган ўзгаришларнинг индикатори ҳисобланади ва жамият ривожининг салоҳиятини белгилаб беради.

“Ювентология” ёшлар ҳақидаги фан (лотинча “ювентус” – ёшлик, ўсмирлик; ўспиринлик, ёш инсонлар ва юонончада “локос” – сўз, фикр, ўқиш деган маъноларни англатади) вакили В.В.Павловский ушбу гурухнинг ёш доираларини ўсмирлик ва балоғатга етганлик умумийлиги ўртасида ўтиш ҳолатини эгалловчи 15 ёшдан 30 ёшгача бўлган давр деб белгилайди<sup>22</sup>.

Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғатида ёшлар категориясига: “Ёшлар – жамиятдаги ижтимоий-демографик гурух, инсон умрининг муайян даврида яшаётган, етукликтининг қарор топиши, катталар оламига кириш ва унга мослашиш каби ўзига хос хусусиятлар билан тавсифланадиган тушунча. Ёшлик чегараси бекарор ва аниқ ажратилиши қийин, лекин соҳа мутахассислари кўпинча уни 15-30 йил билан ўлчайдилар. Ёшлар баъзи умумий хусусиятлар билан тавсифланади: улар, одатда замонавий ва билимли; янги касблар ва янгича турмуш тарзига интилевчан; ижтимоий жиҳатдан ҳаракатчан катлам. Ёшларда қадриятларни қайта баҳолаш, катталарга нисбатан ўзгачароқ, яъни уларда эҳтиёжлар ва идеаллар, ахлоқий меъёрлар фаол ўзлашади. Мазкур ижтимоий гурухга шу тоифа ичидаги мулоқотга мўлжал қилиш хосдир. Ёшлар ўзига хос қадриятларга кўра, мулоқот, меҳнат, истеъмол, ҳордиқ чиқариш каби муносабатлар тизими билан фарқланади, бу улар маданиятининг ривожланишига олиб келади. Жинси, ёши, маълумот даражаси, касбий бандлик соҳаси, маданий-сиёсий манфаатлари ва бошқаларга боғлиқ ҳолда ёш турлари фарқланади. Таълим турини танлаш ва уни эгаллаш, меҳнат жараёнига кириш, оилани шакллантириш, касбий жиҳатдан ўсиш

---

<sup>22</sup> Павловский В.В. Ювентология: проект интегративной науки о молодёжи. – М., 2001. С. 74.

ва хизмат бўйича илгарилаш кабилар ёшларнинг асосий муаммолари бўлиб ҳисобланади”<sup>23</sup> деган таъриф берилган.

Рус психологик энциклопедиясида мазкур категорияга: “Ёшлик – бу ўсмирикдан мустақил ҳаётга ўтиш даври ҳисобланади. Бу даврда жисмоний улғайиш тўлиқ ўз ниҳоясига етади. Айнан шу даврда ўзликни англаш ва ўз мустақил ҳаёт йўлини белгилашни ривожлантириш билан боғлиқ руҳий улғайиш бошланади. Ёшлик бу инсоннинг тўлиқ мустақил ҳаётга кириш даври сифатида қаралади. Мазкур даврга мустақил дунёқарааш, характер ҳамда қобилиятнинг шаклланиши ва бошқа хусусиятлар хосдир. Шунингдек ушбу давр ўсмирикдан, унинг атрофидаги катта ёшлиларга тобеликдан холос бўлиб, шахс сифатида мустақил ҳаёт сари боришининг тасдиғи ҳамдир”<sup>24</sup> деган изоҳ берилган. Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонунининг 3-моддасида: “ёшлар ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган ёшлар” деб белгиланган. Деярли барча таърифлар бир-бирига мазмунан яқин. Бироқ, ёшларнинг ёш доираси: мактабгача ёшлилар груҳи; кичик мактаб ёшидагилар груҳи; ўсмир ёшлар груҳи; ўспирин ёшлар груҳи ва талаба ёшлар груҳини ўзида мужассам этишини ҳам назардан қочирмаслик керак. Масаланинг илмий тадқиқини амалга оширишда мазкур ёш грухларнинг ўзига хос хусусиятлари эътиборга олинса, табиийки у бир мунча аниқ ва самарали бўлади.

Халқаро тажрибага эътибор қаратсак, шахснинг ёшлик даври чегараси қўйдагича белгиланганини кўрамиз. АҚШ ва Японияда ушбу чегара 13-30 ёш этиб белгиланган. Германияда бўлса болалар 14-18 ёшда –“кичик ёшлик даври”, 18-27 ёш бўлса “катта ёшлик даври” мансуб саналар экан. Болгария мамлакатида ёшлик даври 15 ёшдан 29 гача, Россияда эса ёшлик чегарси 15-30 ёшни ташкил этар экан.

Энди ёшлар жиноят содир этишида ёш хусусияти қандай аҳамиятга эга? деган савол туғилади. Бунга илмий-назарий ҳамда амалий жиҳатдан ёндашиш тўғри бўлади. Криминология дарслигида 2010-2014 йилларда жиноят содир этган вояга етмаганларнинг ўртacha 20 фоизга яқинини 13-15 ёшдагилар, 80 фоизини 16-17 ёшдагилар, 8 фоизини эса қизлар ташкил этиши

<sup>23</sup> Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли лугати. – Т.:Faafur Fулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2013. – Б. 70-71.

<sup>24</sup> Большая психологическая энциклопедия. – М.: Эксмо, 2007. – 522 с.

келтирилган<sup>25</sup>. Бундан маълум бўладики жиноят содир этишда ёшларнинг ўспиринлик даври етакчилик қилар экан. Мазкур ёш гурухининг қандай ўзига хос хусусиятлари мавжуд?

Педагогик энициклопедияда қайд этилишича, **ўспирин** – инсон тараққиётининг тахминан 15 ёшдан 18 ёшгacha бўлган даври; педагогикада “катта мактаб ёши” ҳам дейилади. Ўспиринлик сўнгида, одатда, йигит-қизлар жисмоний ва руҳий жиҳатдан балоғатга етадилар. **Ўсмирлик** давридаги шиддатли жисмоний ўсиш ўрнига ўспиринлик босқичида инсон вужудининг сокин тараққиёти кузатилади. **Ўспиринликда** жисмоний балоғотга эришилади, **ўсмирлик** ёшидаги юрак ва томирлар тараққиётидаги номувофиқлик ўрнини ички секреция безларининг ритмик ишлаши, қон босимининг бир хиллиги эгаллайди. **Ўспиринликда** вужуднинг ўсиши секинлашиб, мускуллар ривожланади, куч кўпайиб, кўкрак қафаси ҳажми сезиларли кенгаяди, гавда ва ундаги мушакларнинг шаклланиши ниҳоясига етади.

**Ўспиринликда** туйғуларнинг ранг-баранглиги ва теранлиги кузатилади. Улар салбий ҳолатларни оғир кечирадилар, адолатсизлик, ноҳақлик сингари кўринишларга муросасиз бўлишади ва бундан кучли таъсирланадилар. Ўспиринлар ҳаётида бадиий ва интим сезимлар катта ўрин тутади. Айниқса, улар учун севги туйғуси катта аҳамият касб этади. Агар ўспиринларда бу туйғу тўғри шаклланган бўлса, уларнинг ҳаёт йўллари равон бўлиши, аксинча эса, ўзларининг ҳам, ўзгаларнинг ҳам ҳаётини издан чиқариши мумкин. Ўспиринларни юксак туйғуларга ишонтириш ва уларнинг тозалигини сақлашга одатлантириш мухимдир. Ўспиринларда дўстлик туйғуси чукур илдиз отган бўлади, дўст ва дўстликка ташна бўлишади. Шунинг учун ҳам бу даврда тенгқурлар орасидаги муносабатлар ўсмирликдагига қараганда анчагина мустаҳкам ва доимий кўриниш касб этади.

**Ўспиринлик** одамда куч-қувват тўлиб тошган, интилишлар чегара билмайдиган, инсон романтик хаёллар оғушида яшайдиган даврdir. **Ўспиринлар** қаҳрамонликлар кўрсатишга, кўпчиликнинг эътирофи ва эътиборини қозонишга интилиб яшашади<sup>26</sup>.

Мисол тариқасида бундан бир неча йил авал Россия телевидениясида кўрсатилган машъум бир воқеани келтирамиз.

<sup>25</sup> Криминология, Махсус қисм: Дарслик /И.Исмоилов, Қ.Р.Абдурасулова ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – Б.9.

<sup>26</sup> Тарбия (ота-оналар ва мураббийлар учун энциклопедия). – Т.: “Ozbekiston milliy ensiklopediyasi” Davlat ilmiy nashriyoti, 2010. – Б. 504-506.

Унда 16 ёшли ўспирин йигит уйига бироз кеч келганда онаси ва акалари томонидан танбех эшитади. Бу танбех унга ёқмай, ошхонадан болта кўтариб чиқиб онаси билан акаларини совуққонлик билан чопиб ташлайди. Кўрқиб кетган укасига пул бериб, бувисиникига жўнатади. Ўзи эса хотиржам кўчага чиқиб, пивохонага боради. У бўлиб ўтган воқеада ўзини мутлақо айбдор ҳис қилмади. Ўз эркини ҳимоя қилган эмиш. Аслида фақат руҳан носоғлом одамгина ўз онаси ва акаларини чопиб ташлаши мумкин. Бироқ бу ўсмирда руҳий хасталик аломати сезилмади. Кўрсатувни олиб бораётган мухбирнинг таъкидлашича, қотиликка қўл урган ўспирин йигит зулм, ўлдиришларни акс эттирган бир фильмни саксон олти марта кўрган экан.

Яна бир мисол, бир ўспиринни касб-ҳунар коллежида ўқиётганда ўқитувчи уни ўғирликда айблайди. Гумон исбот этилмаса-да, кўпнинг ҳузурида уни изза қилади. Ўқитувчи ўз хаёлида ўқувчини шундай йўл билан тарбиялади. Бунда нотўғри тарбияadolatsiz муносабат билан учрашиб, ўспириннинг руҳиятини парчалаб ташлайди. Унинг қалбида норозилик, исён туғилган. “Сен мени ўғри дедингми, ўғирлаш мана бунаقا бўлади”, деб ўч олиш пайига тушган. Бундай ҳолатда ўспиринни кўпчиликнинг олдида изза қилиш йўли билан эмас, якка ўзига холи жойда тушунтириш йўли билан тарбия усулини қўллаш самара бериши шубҳасиз. Ёшлар томонидан жиноят содир этилишида ёш хусусияти муҳим ўрин тутар экан. Айниқса ўспиринлик даври бу ҳолатда катта тарбиявий эътиборни талаб этар экан.

Юридик адабиётларда вояга етмаган қонунбузарларни, улар орасидаги фарқ бирмунча нисбийлигини қайд этган ҳолда , тўртта гурухга ажратиб таснифлаш қабул қилинган.

Биринчи гурухга илк бор жиноятга қўл урган шахслар киритилади. Уларнинг жиноят қилишдан аввалги хулқи ва маънавий қиёфаси бирмунча ижобий. Одатда бундай ўсмирлар у қадар жиддий бўлмаган жиноятларни мураккаб ёки фавқулодда вазият таъсирида содир этадилар.

Иккинчи гурухга киритилган илк марта жиноятга қўл урганларнинг аввалги хулқ-авторини бенуқсон деб бўлмайди. Улар спиртли ичимликлар, наркотиклар истеъмол қиладилар, чекадилар ва уйидан қочиб кетиш каби одатларига эгадирлар.

Учинчи гурух – маънавий қарашлари бузук ўсмирлар мансуб. Улар аввал ҳам турли қонунбузарликлар содир этиб, маъмурий

жазога тортилган, махсус мактаб ва касб-хунар билим юртларидан йўлланганлардир. Жиноятнинг сабаби ва мақсади уларда онгли равишда, катта ёшли шахс ёки ўзига нисбатан бузук тенгдошининг таъсирида шаклланади. Муштлашишларда қатнашиш, безорилик, ожизроқларни тунаш каби қўпгина жиноятларни улар дабдурустдансодир этишади.

Маънавий бузуқлиги билан жамиятга жиддий хавф туғдириб, хулқ-автори ҳар қандай меъёрлардан буткул чиқиб кетган шахслар тўртинчи гурухга киритилади. Бу тоифага муқаддам судланганлар (шартли ҳукм қилинган, муддатидан аввал озод қилинган ва ҳ.к.) ҳам киради. Одатда, булар ишлаш ёки ўқишдан бўйин товлаб, жиноий гурухларга уюшган ёки катталарнинг жиноий гурухи таркибиغا кирган шахслардир. Улар қўрс ва бераҳм, уят ҳисси нималигини унутганлар. Асосий мақсади – таъмагирлик ва бойиш. Манфаати – вақтни бекорчилик билан ўтказиш, қимор ўйнаш, спиртли ичимликлар истеъмол қилиш ва жинсий алоқа.

Руҳий –педагогик адабиётларда 14-17 ёшлар ўспириинлик ёки йигитликнинг бошланғич даври деб аталади. Биологик жиҳатдан ўспириинлик жисмоний ривожланишнинг якуний даври бўлади. Мазкур тоифага оид шахсларнинг ижтимоий аҳволи турлича бўлиб, улар орасида талабалар, ишчилар ва ишламайдиганлар бор. Шу билан бирга улар хулқи ва ҳаракатлари онгли-иродали кўринишга эга ва бу ўз ўрнида 16 ёшдан умумий жавобгарлик, 14 ёшдан бошлаб эса қасддан одам ўлдириш, ўғирлаш, зўрлаш, жинсий кўринишдаги зўрлик ишлатиш, ўғирлик, босқинчилик, товламачилик, талончилик, транспорт воситасини олиб қочиш, молмulkни қасддан йўқ қилиш ёки унга заарар етказиш, ўқотар қурол, ўқ-дори, портловчи моддалар ва портлатиш мосламаларини, шунингдек, наркотик моддалар ёки психотроп воситаларни, радиоактив материалларни қонунга хилоф равишда эгаллаш, темир йўл, ҳаво, денгиз, дарё транспорт воситалари ёки алоқа йўлларини яроқсиз ҳолга келтириш, озодликдан маҳрум қилиш жойларидағи айrim жиноятлар учун, 13 ёшдан эса айни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш учун жавобгарлик даври бошланишини белгилаб беради (ЖК 17-моддаси).

Хуллас, ёшлар орасида жиноят содир этишда ёш хусусиятининг ўрни ва роли муҳим аҳамият касб этади. Мазкур ҳолат ёшлар ҳуқуқбузарлиги профилактикасини амалга оширишда ҳам фойдалидир.

#### **4. ЁШЛАР ЎРТАСИДА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

Юридик фанда жиноятнинг очилишидан кўра унинг олдини олиш, яъни ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарали саналади. Сабаби айниқса ёшлар орасида ҳуқуқбузарликлар профилактиканинг реал механизмини яратиш долзарблик касб этади. Дунё тажрибасида ривожланган демократик давлатлар мисолида бу ўз исботини топган.

Юридик энциклопедияда ҳуқуқбузарлик тушунчasi шундай таърифланади: “Ҳуқуқбузарлик – жамиятда ўрнатилган ва қонун асосида белгилаган тартиб ёки умуман ижтимоий яшаш қоидаларини бузиш. Ўз хусусиятларига кўра ҳуқуқбузарлик – жиноят, ножӯя ҳаракат, интизомни бузиш шаклида бўлади. Кўп ҳолларда ҳуқуқбузарлик қонунбузарлик сўзи билан ҳамоҳанг баён этилади. Барча ҳуқуқбузарликлар – жиноят эмас. Шу билан бирга, қонунбузарликларнинг барчаси жиноят бўлмаслиги мумкин. Жиноят деб айтиш учун унинг ўзига хос белгилари бўлиши зарур”<sup>27</sup>. Демак, ҳуқуқбузарликлар жиноятни келтириб чиқарувчи асосий омил саналар экан.

Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги қонунининг З-моддасига кўра: “**вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси** – вояга етмаганларнинг назоратсизлиги, қаровсизлигига, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этилишига имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни аниqlаш ҳамда бартараф этишга қаратилган, якка тартибдаги профилактика иши билан биргаликда амалга ошириладиган ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий ва бошқа чора-тадбирлар тизими”<sup>28</sup> сифатида эътироф этилади.

Зотан, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси – вояга етмаганлар томонидан қонун билан тақиқланган ижтимоий хавфли қилмишлар

<sup>27</sup>Юридик энциклопедия /Юридик фанлар доктори, профессор у.Таджихановнинг умумий таҳририда. – Т.: Шарқ, 2001. – Б. 652.

<sup>28</sup>Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2010 й., 39-сон, 341-модда.

содир этилишини тақозо этувчи сабаб ва шароитларни келтириб чиқарувчи, озиқлантирувчи, жамиятда ижтимоий ҳодиса сифатида унинг бўлишини тақозо этувчи ҳодиса, воқеа, жараёнларни камайтириш, заرارсизлантириш, чеклаш ва баратараф этиш бўйича давлат сиёсатини белгилаш ва уни амалга ошириш ҳамда такомиллаштиришга қаратилган комплекс ижтимоий хукукий жараёндир.

Вояга етмаганлар содир этадиган жиноятларнинг олдини олиш давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий шерикчиликда вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хукуқбузарликларнинг профилактикасига оид тизимли комплекс чора-тадбирларни амалга оширишни ўз ичига олади.

Истиқлол йиллари суд-хукуқ тизимида амалга оширилган ислоҳотлар натижасида Ўзбекистонда хукуқбузарликлар профилактикаси миллий тизими шаклланди. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хукуқбузарликлар профилактикаси давлат ҳокимияти органлари, хукуқбузарликлар профилактикаси давлат ҳокимияти органлари, хукуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи, унда иштирок этувчи давлат органлари ва муассасалари ҳамда фуқаролик жамияти институтларнинг ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганларни ва оиласарни, уларни жиноий фаолиятга жалб этувчи шахсларни аниқлаш, улар содир этаётган жиноятларнинг сабаб ва шароитларни бартараф этиш, шунингдек улар яшаётган ва таълим олаётган жойларда ижтимоий-руҳий мұхитни соғломлаштириш мақсадида амалга оширилаётган тарбия, ижтимоий-хукукий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий-хукукий назорат воситалари орқали профилактик таъсир чораларини қўллашдан иборат давлат сиёсати даражасида амалга ошириладиган алоҳида фаолият ҳисобланади..

Жумладан, мазкур йўналишда, Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 авгуstdаги “Жамиятда хукукий маданиятни юксалтириш миллий дастури, “Бола хукуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги 2008 йил 7 январдаги, “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хукуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги 2010 йил 29 сентябрдаги, “Хукуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги 2014 йил 14 майдаги, “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги 2014 йил 2 январдаги, “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги 2016 йил 14 сентябрдаги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3

февралдаги “Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 4944-сон, 2017 йил 10 апрелдаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари ҳамда 2017 йил 14 мартағи “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2833-сонли, 2017 йил 14 мартағи “Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2829-сонли қарорлари ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришнинг таъсирчан тизимини яратиш, қонун бузилишларининг олдини олиш ва уларни бартараф этишнинг замонавий ташкилий-ҳуқуқий механизмларини жорий этишга хизмат қиласди.

Мамлакатимизда Олий Мажлиси Сенати Кенгashi томонидан қарор қабул қилиниб, Сенат ҳузурида Ички ишлар органларининг жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси борасидаги фаолияти устидан парламент ва жамоатчилик наозоратини амалга ошириш бўйича комиссия ҳамда ҳудудий комиссиялар ташкил этилди. Бугунги кунда ҳудудий комиссиялар жойларда жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича фаолиятини мунтазам ўрганиб бормоқда.

Хусусан, жорий йилда 30 га яқин туман ҳамда шаҳарлардаги ички ишлар органларининг жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси борасидаги фаолияти ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари, бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлиги ҳолатини ўрганиш натижалари давлатимиз раҳбарининг мазкур масалага алоҳида зътибор қарататётганининг нақадар асосли эканлигини кўрсатди. Чунки тизимда ҳали-ҳануз ечимини кутаётган кўплаб муаммолар мавжуд.

Ўрганиш давомида ўқувчиларнинг дарсларга қатнашмаслиги ҳолатлари ҳам аниқланиб, **40 нафар ота-онага нисбатан зарур**

*хужжатларни расмийлаштириши ва муҳокама қилиши учун ҳокимликлар ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларга юборилди.* Шунингдек, 23 та таълим муассасасига ҳамда 2 та фуқаролар йигинига тақдимномалар киритилди. Натижада қарийб 2 минг нафар ўғил-қизларимиз машғулотларга қайтарилиди. Яна ўрганиш давомида судлар томонидан 54 та, “сайёр суд” мажлиси ўтказилди.

Умуман, таҳлиллар профилактика инспекторлари томонидан фуқаролар йигинига ҳудудда содир этилган жиноятлар тўғрисида берилган кунлик маълумотларни таҳлил қилиш, ҳар бир жиноятни маҳаллада кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама этиши амалиётини йўлга қўйини заруратини кўрсатди. Шу билан бирга, жиноятларнинг олдини олиш, хавфсизликни таъминлаш ва ўқувчилар давоматини назорат қилишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Фикримизча, мамлакатимизда халқаро тажрибага асосланган ҳолда ювенал адлияга зарурат етилди, деб ўйлаймиз. Ювенал адлия вояга етмаганлар учун одил судлов ёки вояга етмаганлар суди маъносини англатади. Бундай судлар айни пайтда АҚШ, Канада, Франция, Германия, Венгрия, Япония, Хиндистон, Жанубий Корея каби давлатларда мавжуд. Боланинг ҳуқуқбузарлик йўлига киришига олиб келган ижтимоий шарт-шароитларни ўрганиш ювенал адлия фаолиятининг асосий асосий йўналиши ҳисобланади. Бу ҳуқуқбузарнинг шахсини чуқур тушуниш, унга нисбатан тўғри таъсир чорасини танлаш имконини беради. Ювенал адлия асосланадиган муҳим қоида – вояга етмаганлар иши юзасидван суд ишларини юритишда ҳар бир ҳуқуқбузар шахсига ва ҳар бир ҳуқуқбузарлик фактига ўзига хос ёндашиш, яъни индивидуал ҳолда масалани ҳал этишdir.

Бир сўз билан айтганда, ювенал адлия вояга етмаганларнинг одил судловга оид ҳуқуқини юқори даражада таъминлаш имконига эга ва албатта жамоатчилик кучига асосланади. Шу боис мутахассислар томонидан ювенал адлия суд ва фуқаролик жамияти ўртасидаги тузилма деб эътироф этилмоқда.

## **5. МАМЛАКАТИМИЗДАЁШЛАРХУҚУҚИЙ ОНГИ ВА ХУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИ ЮКСАЛТИРИШ МАСАЛАЛАРИ ВА УНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

Мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий ва хуқуқий ислоҳотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва хуқуқ тартиботни, давлатимиз чегаралари дахлсизлигини, жамиятда қонун устуворлигини, инсон хуқуқ ва эркинликларини, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини таъминлаш, республикамизда қонунчилик хуқуқни қўллаш амалиёти ҳамда ижтимоий-иктисодий муносабатларни модернизациялаш, замон талаблари ва эҳтиёжларига жавоб берувчи янги типдаги хуқуқ тизимини шакллантиришга йўналтирилган.

Республикамизда демократиянинг ривожланиши, тартиб ва қонунчиликнинг мустаҳкамланиши аввало жамиятда хуқуқий маданиятнинг ривожланганлик даражаси, ҳар бир шахс, айниқса, ёшларнинг ўз хуқуқ ва эркинликларини тўғри англаши ва улардан самарали фойдаланиши, ўз мажбуриятларини вижданан бажариши ҳамда фаолиятида қонунга асосланиши билан белгиланади. Шу боис аҳоли, айниқса ёшлар хуқуқий маданиятини ошириш вазифаси давлатимизда қонунчилик, хуқуқни қўллаш амалиёти ва илғор хорижий тажрибанинг хуқуқий асосларини мустаҳкамлайди.

Хуқуқий давлатнинг муҳим мезони, яъни қонун устуворлиги тамойилини ёшларнинг онгига сингдириб бориш муҳим аҳамиятга эга. Халқимизда “ёшлиқда олинган билим – тошга ўйиб битилган нақш кабидир” деган ҳикмати бугунги кунга қадар ўз аҳамиятини йўқотмагани бежиз эмас. “Кўп йиллик илмий кузатиш ва тадқиқотлар шуни қўрсатадики, инсон ўз умри давомида оладиган барча информациининг 70 фоизини 5 ёшгача бўлган даврида олар экан. Боланинг онги асосан 5 – 7 ёшда шаклланишини инобатга оладиган бўлсак, айнан ана шу даврда унинг қалбida оиласдаги муҳит таъсирида маънавиятнинг илк куртаклари намоён бўла бошлайди”<sup>29</sup>. Буни тўғри англаган мамлакатимиз раҳбарияти ёшларнинг ҳар томонлама етук, билимли ва доно бўлишига юксак даражада эътибор қаратмоқда. Мамлакатимизда ёшларнинг хуқуқий тарбияси учун етарли шарт-шароитлар, ташкилий-хуқуқий ва институционал механизмлар яратиб берилмоқда.

<sup>29</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч.- Т.: “Маънавият”, 2008.- Б.53.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 21 ноябрда қабул қилинган “Ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 13 июнда қабул қилган “Ёшларнинг ҳуқуқий таълим мини такомиллаштиришнинг Комплекс дастури тўғрисида”ги 296-сонли Қарори, 1997 йил 29 августда тасдиқланган “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури”, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида”ги 1997 йил 25 июнь Фармони, “Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида”ги 1997 йил 6 октябрь Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 29 майдаги “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 235-сонли Қарори, “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида”ги 2001 йил 4 январь Фармойиши, “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2014 йил 6 февралдаги 2124-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2011 йил 17 январдаги Қарори шулар жумласидандир.

Ёшлар онгига ҳуқуққа оид илк қарашлар, тасаввурлар айнан оиласда шаклланади. Оиладаги ҳуқуқий маданият даражаси фарзандлар ҳуқуқий онгининг шаклланишида бирламчи асос бўлади. Шу боисдан ҳам вояга етмаганларни ҳуқуқий тарбиялашда “оила-маҳалла-мактаб” концепциясига таянган ҳолда иш олиб борилмоқда.

Мазкур мантиқнинг моҳияти шуки, унга кўра мамлакатимиз худудлардан, ҳудудларимиз туманлардан, туманларимиз маҳаллалардан, маҳаллаларимиз оилалардан, оилаларимиз ота-она, фарзандлардан ибоарт. Демак, аввало ҳар бир ота-онанинг ҳуқуқий онги шаклланган бўлса, оила, туман, шаҳар, худудлар, яъни бутун мамлакат аҳолиси, Ўзбекистон халқининг ҳуқуқий онги юксак

бўлади. Бунинг учун ҳар биримиз фарзандларимизни турли жиноят йўлига кириб кетишининг сабабларини теран билиб қўйишимиз керак. Бироқ, ўтказилаётган тадқиқотлар ота-оналарнинг ҳуқуқий онги замон талаблари даражасида эмаслигини қўрсатмоқда. Шу сабабли ота-оналар билан ҳуқуқий онг ва маданият ҳақида сухбатлашишга зарурат сезилади.

Чунки, “Куш уясида кўрганини қиласди”. Ҳуқуқий онг ва маданият масаласида ҳам. Буни қуйидаги мисол орқали кўриш мумкин.

Агар фарзандининг гиёхванд модда қабул қилаётганига шубҳа туғилса ёки бу ҳолат исботини топса, ота-онаси чақирилиб ушбу нохушлик билдирилса, афсускиунга тўғри муносабат билдирилмайди. Аксарият ота-оналар огоҳлантиргани учун раҳмат айтмайди, аксинча “Сизнинг билганингиз менинг болам, фақат ёмонлайсиз”, деб жанжал қиласди. Мактаб билан умуман ҳамкорлик қилмаган ота-она вақт ўтиб, бола қамоққа тушганда ҳам мактабни айблашдан тоймайди. Тўғри, айрим ҳолларда мактабнинг ҳам айби борлиги инкор этилмайди. Бироқ, ушбу ҳолатда мактаб умуман айбдор эмас. Бола гиҳёванд модда қабул қилишни мактабда ўрганмаган эди.

Ҳуқуқий онгнинг илмий таърифига келсак, у қуйидагича таърифланади.**Ҳуқуқий онг** - индивидуал онг доирасида ҳуқуқий борлиқни юридик билимлар шаклида акс эттириш, ҳуқуққа бўлган муносабати ва уни амалда қўллашнинг йифиндисидир.“Ҳуқуқий онг” категорияси “ҳуқуқий маданият” тушунчасининг муҳим асоси саналади. Демак маълум бўладики, болада ҳуқуқий онгнинг шаклланиши нафақат бир шахс учун балки давлат ва жамият ривожи учун ҳам муҳим ҳисобланади.

Ҳуқуқий онг бу инсонларнинг ва уларнинг турли бирликларининг ҳамда бутун жамиятнинг амалдаги ҳуқуқ ва ҳуқуқий ҳодисаларга нисбатан қарашлари, ғоялари, тасаввурлари, ҳислари йифиндисидир. Яъни, шахс ёшлигидан реал ҳаётда нима мумкин ва нима мумкин эмаслигини билиб улғайса, табиийки унда ҳуқуқий онг талаб даражасида шаклланади.

Яна бир мисол. Шанба куни кечки пайт маҳаллага мактаб ҳожатхонасида уч ўсмир гиёхванд модда қабул қилаётган экан. Маҳалла фаоллари билан участка профилактика нозири воқеа жойига боришади. Кайфдаги болалар милицияга эмас, маҳалла идорасига олиб келинади. Уйларига телефон қилишади. Бирининг

отаси боришга вақти йўқлигини айтади. Ўғли гиёхванд модда қабул қилишини билиши сўралганда, биламан, нима қилсаларинг, қилаверинглар деб жавоб беради. Шу ўринда уч ўсмирнинг ҳам ота-оналари мактабни айблашади. Қизиқ мантиқ, мактаб ҳожатхонасида чекишса, мактаб айбдор бўлмайди-ку?

Ёшларда ҳуқуқий жавобгарлик ва интизом туйғуси юқори даражада шаклланган бўлиши зарур. Ҳар бир содир қилинган ножӯя иш учун жавоб бериш кераклигини англамоқ даркор. Жавобгарлик туйғуси борган сари мустаҳкамланиб, энг фойдали ва зарурий одатга айланмоғи лозим. Айниқса, ёшларнинг оила олдидаги ижтимоий-ҳуқуқий жавобгарлиги ва бурч туйғуси бебаҳодир. Ҳуқуқий маданият ахлоқий ва маънавий меъёрларга таянар экан, ёшлиқ давридаёқ оиласда ҳуқуққа бўлган ҳурмат туйғусини шакллантириш лозим. Бу ёшлар учун ҳам тушунарли, ҳам зурурий талаб сифатида қабул қилинади

Ҳуқуқий онгни шакллантириш, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш аҳоли турли қатламлари, ижтимоий гуруҳларнинг даражаси ва хусусиятларини аниқ инобатга олган ҳолда амалга оширилади. Айниқса ёшларни юксак маданиятли қилиб тарбиялаш даврнинг долзарб масаласига айланди. Шу боис муаммонинг ечими ёшларни ҳуқуқий билимлардан баҳраманд этиш учун уларга сифат жиҳатидан янги шарт-шароитлар яратибгина қолмасдан, шу билан бирга ҳуқуқий тарбиянинг мазмуни, шакл ва усусларини тубдан ўзgartиришни, ёш авлодга умумий юридик таълим беришнинг яхлит тизимини вужудга келтиришни тақозо этмоқда. Бирок, кўпчилик ёшларнинг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онги етарли даражада юқори эмаслигини унутмаслик керак. Бу эса ўз навбатида, ёшлар ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида ҳуқуқий жиҳатдан фаол иш олиб боришларига тўсиқ бўлиб қолмоқда.

Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий тарбия ёшлардаги ҳис-туйғуларга берилувчанлик хусусиятини ҳисобга олиши, ҳуқуқий маданиятни шакллантириш эса мазкур ҳис-туйғуларни қонунлар доирасида жиловлаб туриш билан боғлиқлигини унутмаслик зарур. Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий тарбия ёшларда ҳуқуқий маданиятни шакллантиришда бир қатор ўзига хос жиҳатларни ҳисобга олишни тақозо этади. Улар негизида эса ижтимоий ва индивидуал-руҳий ҳолатлар билан бирга, шахс, гурух, жамият (миллий ва умуминсоний) даражаларига хос манфаат, интилиш ва талаблар ётади.

Хуқуқий маданият – умумий маданиятнинг муҳим элементидир. Шу маънода хуқуқий маданият ўз таркибида нормалар тизими, хуқуқий муносабат ва хуқуқий муассасалар кабиларни мужассам этади.

Хуқуқий маданият – бу чукур хуқуқий билимлар, хуқуқий тизим, қонунга нисбатан хурмат ва хуқуқий хулқ-автор йифиндисидир. У ижтимоий ва сиёсий маданият билан мустакам алоқадор саналади. Инсоният умумий маданиятнинг мазкур учта тури бевосита боғлиқ бўлиб, улар бир-биридан ўзаро куч олади. Хуқуқий маданиятнинг шаклланиш жараёнида дастлаб умумий маданиятнинг: инсоф, шаън, ростгўйлик, қадр-қиммат ва эзгулик каби элементлари пайдо бўлади. Ушбу элементларсиз хуқуқий маданият яхлит юзага келмайди. Ижтимоийлашув натижасида одамлар эзгулик ва адолат, инсон шаъни ва унинг топталиши ҳамда эркинлик ва қуллик каби қонуниятнинг мавжудлигини англааб идрок этишади. “Нима яхшию нима ёмонлигини” тушуниб етишда эса уларга айнан ҳуқуқ соҳаси ёрдам беради. Одамлар ёши улғайгани сари уларда ҳуқуқнинг турли соҳалари жумладан, давлат ҳуқуқи тарихи, криминалистика ва суд жараёнларига нисбатан қизиқиш орта боради. Кейинчалик эса уларда сиёсий маданиятнинг элементлари шаклланади.

Таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида фуқароларимизнинг, айниқса ёшларимизнинг тафаккури, дунёқарashi, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятиюксалишинатижасида демократик янгиланишларнинг даражаси ва суръати ўсиб бормоқда. Конституция ва қонунлар ҳуқуқий ҳаётнинг бош мезонига айланди. Айниқса бугунги кунда давлатнинг бош ислоҳотчи сифатидаги ҳуқуқий мақоми, функцияси қатъий назорати асосида ҳалқ билан мулоқотга киришиб, мамлакатимизни ривожлантиришни назарда тутувчи ҳаркатлар стратегиясининг амалга оширилаётгани ҳар томонлама ўзини оқламоқда.

Ёшлар ҳуқуқий маданиятини юксалтириш вазифасининг долзарблиги жамиятда янги авлоднинг пайдо бўлишига олиб келади. Ёшларнинг ҳар бир янги авлоди олдинги авлодлар тажрибасини ўрганиб, янги ижтимоий муносабатларни англаш, уларга мослашиш ва жамият тараққиётига ўз ҳиссасини қўшишга интилади. Бу, ўз навбатида, ҳуқуқий маданиятни

шакллантиришнинг янги усул, шакл ва воситаларини ишлаб чиқиши тақозо этади.

Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш масалаларини тадқиқ этиш зарурати, бир томондан, тинмай ўзгариб бораётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, демократик ислоҳотлар, мамлакатни модернизациялаштириш эҳтиёжлари жамият олдида янги-янги муаммолар қўяётгани, иккинчи томондан, талаба ёшлар онгидаги дунёқарашида, ҳаёт тарзида жамиятдаги фаол ўзгаришларга мувофиқ жиддий ўзгаришлар содир бўлаётгани билан боғлиқ. Жамият ва шахсада содир бўлаётган ушбу ўзгаришларни тинмай кузатиб, ўрганиб, уларни ижтимоий манфаатларга мос келадиган томонга йўналтириб бориш учун зарур дастурлар, чора-тадбирлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш эса илм-фаннынг вазифасидир.

Бугунги ёш авлод вакили эртага у ёки бу соҳадаги етакчи мутахассисга ҳамда у ёки бу гурухларни ўз атрофида бирлаштирган раҳбар ходимга айланади. Шу боис мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳалқ билан бевосита мулокот асосидаги фаол демократик ўзгаришлар тақдири уларга, уларнинг онги, билими, эътиқоди ва амал қиладиган ҳуқуқий, ахлоқий нормаларига бевосита боғлиқдир.

Айнан шунинг учун ҳам ёшларда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш орқали уларни кучли фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнларига кенгроқ жалб этиш ниҳоятда долзарб масаладир.

**Ҳуқуқий маданият** ҳуқук, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий муносабатлар, одил қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқий тартибот, ҳуқуқий мазмундаги фаолият, ҳуқуқни сиёсий баҳолаш мезонлари ва ҳуқуқий хулқ-авторни, яъни ҳуқуқий соҳада инсоний маърифийлтик қўлга киритган барча эзгуликларни мужассамлаштиради.

Ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда амалдаги қонун ҳужжатларини улар онгига сингдиришдан ёхуд ёшларни ҳуқуқий меъёрлар асосида ҳаёт кечиришга ўргатишдан бошланади. Бу ўринда Ўзбекистон Республикасининг Асосий қонуни – Конституцияни ёшларга ўргатиш алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу масалага Биринчи Президентимиз И.А.Каримов алоҳида эътибор қаратиб, қуйидагиларни қайд этади: “Мен Конституцияни болалар боғчасидан бошлаб ўргатишни, мактабларда дарслик сифатида ўқитиши бугун барча мутасадди раҳбар ташкилотларимизга

топшириқ тарзida айтмоқчиман. Токи униб-ўсиб келаётган ёш авлодимиз Конституциянинг маъно-мазмунини, у халқимизнинг истиқлол йилларида эришган улкан тарихий ютуғи эканини теран англаб етсин”<sup>30</sup>.

Мамлакатимизда ёшлар ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришни самарали ташкил этишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида”ги Фармойиши асосий манба бўлиб хизмат қилди. Унга асосан, Халқ таълимни вазирлигининг мактабгача таълим муассасаларида “Конституция сабоқлари”, умумий ўрта таълим муассасаларининг 1-4-синфларида “Конституция алифбоси”, 5-7-синфларда “Конституция оламига саёхат”, 8-синфда “Давлат ва ҳуқуқ асослари”, 9-синфда “Конституциявий ҳуқуқ асослари”, 10-11-синфларда “Ҳуқуқшунослик” фанларини ўқитиш йўлга қўйилди. Мамлакатимизнинг барча Олий ўқув юртларида “Давлат ва ҳуқуқ асослари” ва “Конституциявий ҳуқуқ” фанлари ўқув режасига киритилди, ҳуқуқшунослик соҳасига ихтисослашган олий ва ўрта-маҳсус билим юртларида ҳуқуқшуносликнинг қирқقا яқин йўналишлари бўйича ўқув машғулотлари амалга ошириладиган бўлди. Умуман мамлакатимизда аҳолининг ҳуқуқий тарбиясига оид механизм халқаро андозаларга асосланган ҳолда, халқимизнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда бой маънавий меросимизга таянган ҳолда шакллантирилди.

Ўзбекистонда ҳуқуқий таълимни ривожлантириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Мустақиллик йилларида ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлайдиган олий ўқув юртлари, касб-хунар коллажлари, академик лицейлар ташкил этилди. Бугунги кунда мамлакатимизда 1 минг 554 та ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаси мавжудлиги, шундан 143 таси академик лицей, 1 минг 411 таси касб-хунар коллажи эканлиги ва мазкур таълим муассасаларида жами 1 миллион 639 минг нафардан зиёд ўқувчи таълим олаётгани, барча академик лицей ва касб-хунар коллажларининг умумтаълим фанлари негизида “Ҳуқуқшунослик”, “Ўзбекистон Конституцияси” фанлари ўқитилаётгани, ушбу таълим масканларида ҳуқуқий йўналишлардаги фанлар бўйича 1 минг 309 нафар профессор, олий ва ўрта маҳсус маълумотли ўқитувчи дарс берадигани, 2000 йилдан бўён академик лицей ва касб-хунар

<sup>30</sup> Каримов И.А. Ватан равнақи учун хар биримиз масъулмиз. Т.9. –Т.: Ўзбекистон. 2000. - Б. 48.

коллежларида таҳсил олаётган жами 67 нафар ўқувчи қиз Зулфия номидаги Давлат мукофотини қўлга киритгани, шунингдек, мустақиллик йилларида дунё миқиёсидаги турли кўрик-танлов ва ҳалқаро фан олимпиадаларида жами 253 нафар ўқувчи қатнашиб, 21 та олтин, 51 та кумуш, 90 та бронза медалига сазовор бўлгани<sup>31</sup> ўрта маҳсус қасб-ҳунар таълими тизимида ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти юксалаётганинг исботидир.

Маълумки, қадимги Юнонистон (Греция) ва Римда болаликдан бошлаб фуқароларга қонунлар ўргатилган. Рим давлатида 14 ёшгача бўлган ёшлар қонунларнинг 12 жадвалини ёд олганлар. Эрамиздан олдинги III аср бошларида мавжуд бўлган ва бизгача етиб келган “Фуқаро Херсонеснинг қасамёди”да, жумладан, шундай дейилади: “Мен фуқароларнинг ҳеч бирига нисбатан ҳеч қандай адолатсиз ишни хаёлимга келтирмайман... ва бунақа ишга йўл қўймайман, уни яширмайман ҳам, лекин уни суд эътиборига етказаман ва судда қонунларга мувофиқ овоз бераман”. Бу ўринда гап нафақат қонунларга риоя этилиши ҳақида, шу билан бирга бошқа шахсларнинг қонунларни бузишларини фош қилишга жалб этилиши тўғрисида ҳам борган.

Ўзбекистонда қабул қилинган ёшларга оид норматив-ҳуқуқий хужжатларни қуидаги гуруҳиларга ажратиб кўrsatiш мумкин:

**Биринчи гурухда 1991-2000 йилларда қабул қилинган қонун хужжатларини келтириш мақсадга мувофиқ.** Ушбу даврда “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги (1991), “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги (1992), “Таълим тўғрисида”ги (1992 йил, 1997 йил янги таҳrirда) қонунлар, қатор кодекслар, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури (1997), Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури (1997) қабул қилинди. Давлатимиз 1991 йилда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига, 1992 йилда эса, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги ҳалқаро Конвенцияга қўшилди.

Мазкур йиллар давомида мамлакатимиз Президентининг “Республика ёш ижодкорларини давлат томонидан қўллаб-куватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (1993), “Ўзбекистонда таълим олаётган ёшларни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” (1993), Ўзбекистон Республикасининг ёш муаллифларига энг яхши асалари ва илмий ишлари учун Давлат

<sup>31</sup>Инсон ва конун газетаси, 2014 йил 29 апрель.

мукофотини топшириш тўғрисида” (1993), “Ўзбекистон Республикаси “Камолот” жамғармаси тўғрисида” (1996), “Республика Маънавият ва маърифат кенгашини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги (1999) фармонлари эълон қилинди.

**Иккинчи гуруҳга** 2001 йилдан 2015 йилга қадар қабул қилинган қонун ҳужжатларини киритиш мумкин. Мазкур босқичда “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги (2008), “Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида” (2009) ҳамда “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги (2010) қонунлар қабул қилинди. Шунингдек, 2008 йилда Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги ҳамда Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисидаги конвенциялар ратификация қилинди.

Бундан ташқари бу соҳада вояга етмаганлар ва ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни янада кенгроқ қўллаб-қувватлаш мақсадида ёш истеъдодлар учун “Ниҳол” мукофоти (2006), “Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва болаларни оиласа тарбияга олиш (патронат) тўғрисида”ги Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди (2007), “Ёш оиласарни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги фармон (2007) имзоланди, шунингдек, Ўзбекистонда болалар фаровонлигини таъминлаш бўйича Ҳаркат дастури (2007), Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2124-сонли қарори ҳамда унинг асосида 2015 йилнинг 31 марта “Камолот” Ёшлар ижтимоий ҳаракати Васийлик Кенгашининг 40-сонли баёни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида 2015 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар Дастури ёхуд 2016 йилнинг 10 декабридаги “Камолот” Ёшлар ижтимоий ҳаракати Васийлик Кенгашининг 65-сонли баёни билан тасдиқланган

Ўзбекистон Республикасида 2016 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар Дастурлари айнан ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришни назарда тутганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

**Учинчи гурухга,** Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни (2016 йил 14 сентябрь) қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 февралдаги “Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4944-сонли, 2017 йил 10 апрелдаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2016 йил 22 декабрдаги “Маҳаллий ижроя ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 2691-сонли, 2017 йил 8 февралдаги “Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2761-сонли, 2017 йил 14 марта “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2833-сонли, 2017 йил 14 марта “Ўрта маҳсус касб-хунар таълими муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2829-сонли, қарорларининг қабул қилиниши ушбу масаладаги ишларни тубдан яхшилашга ва такомиллаштиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Шу ўринда бугунги кунда ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини шакллантиришга қаратилаётган эътибор ва яратилган шароитлар бунинг яққол ифодасидир. Хусусан, қонунчилик борасида “Ёшлар йили” Давлат дастури дориасида амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан ташкил этилган ишчи гуруҳ томонидан мустақиллик йилларида қабул қилинган амалдаги қонун ҳужжатлари атрофлича таҳлил қилиниб, ёшлар ҳуқуқлари, манфаатлари ва эркинликлари белгиланган қонун ҳужжатлари тизими шакллантирилгани муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ишчи гуруҳ томонидан амамлдаги норматив-ҳуқуқий базани, унинг ёшлар манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид қисмини такомиллаштириш мақсадида инвентаризациядан ўтказиш жараёни Конституция ва кодекслардан

ташқари, бу соҳада 22 та қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 15 та фармони ва 11 та қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 41 та қарори, 32 та идоравий-меъёрий ҳужжат мавжуд эканини кўрсатди<sup>32</sup>. Ундан кейин ҳам ўтган давр мобайнида ўнлаб янги қонун ҳужжатлари қабул қилингани эътиборга олинса, Конституция нормаларига асосланган, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш ҳамда ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини шакллантиришнинг ҳуқуқий асосини юксалтиришни белгилаб берувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизими 150 дан ортиқ қонун ҳужжатларидан ташкил топгани маълум бўлади.

Ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришнинг дунё тажрибасига эътибор қаратиш ҳам масаланинг моҳиятини ойдинлаштиришга хизмат қиласи. Франция, Италия, Буюк Британия, АҚШ каби мамлакатларда ҳуқуқий тарбия масалалари доимо жамоатчиликнинг диққат марказида бўлиб келган. Бунда ҳуқуқий тарбиянинг айни бир вақтда ўсиб келаётган авлодга ҳам сиёсий, ҳам маънавий таъсир кўрсатишига алоҳида эътибор қаратилган. Масалан, Францияда 1879 йилда жорий қилинган мактабларда аҳлоқ ва ҳуқуқнинг ўқитилиши “фуқаро”, “мамлакат”, “аскар”, “қонун”, “жамият”, “адолат” каби ва бошқа бир қатор шундай сўзларнинг маъносини тушунтириб беришдан бошланган. Болалар 9-11 ёшида давлат қурилиши, шунингдек, ҳарбий хизмат, солиқлар ва шу кабилар ҳақида оддий тасаввурларга, кейинроқ эса - давлат ва ҳуқуқ тўғрисида анча батафсил маълумотларга эга бўлишган. Мамлакатимизда ҳам буюк мутафаккирларимиз Абу Наср Форобий, Беруний, Ибн Сино, Бобур, Авлонийлар таълим тарбия масалалари жамият тараққиётида муҳим ўрин тутиши ҳақида ўз фикрларини билдириб ўтганлар. Хусусан, буюк бобокалонимиз Абу Наср Форобийнинг бу борадаги қуйидаги фикрлари эътиборга лойиқ: “Уйда, оиласида яхши тарбия кўрган бола ихлос ва ишонч билан таълим олишга, илм-фанни ўрганишга интилади. Ёшларни тарбиялаб, меҳнат қилишга ва касб-хунарни ўргатиб, кейин таълим бериш лозим”<sup>33</sup>.

Шу ўринда ёшларда ҳуқуқ ҳақида билим ва қўникмаларни қандай ҳажмда шакллантириш ва уни қандай етказиш керак, деган савол туғилади. Гап агар таълим тизими ҳақида кетадиган бўлса,

<sup>32</sup> Файзиев Ш. Ёш авлод ҳуқуқ ва манфаатларининг муҳим кафолати. “Ҳуқуқ ва бурч”, 2008 йил 8-9-сон.

<sup>33</sup> Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. –Тошкент, 1998. –Б.130-134.

умумий таълим мактаби доирасидаги ҳуқуқий тарбия биринчи навбатда вояга етмаганларни улар ҳозирда тадбиқ этаётган ва келгусида бажариши лозим бўлган умумий ижтимоий ролларни (давлат фуқаролари, оила аъзоси, ўқувчи, ишчи, хизматчи, уй-жой, хонадон ижарачиси ёки эгаси, фуқаролик-ҳуқуқий битимлари: олди-сотди, ижара битимлари субъектлари ва х.к.) адо этишга тайёрлашга хизмат қилиши керак.

Бизнингча, ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ҳақида янада батафсил тасаввур ҳосил қилиш учун қўйидаги вазифаларни ажратиб кўрсатиш зарур бўлади:

биринчидан, давлат ва ҳуқуқ масалаларига доир билимларнинг зарур тизимини шакллантириш, ёшларни ҳуқуқий воқеликнинг жорий ва долзарб масалалари юзасидан хабардор қилиш;

иккинчидан, ёшларда адолат, тенглик, қонунийлик каби принципларга нисбатан ҳурматни шакллантириш;

учинчидан, ёшларга қонунга мувофиқ хулқ-автор қўникмаларини сингдириш;

тўртинчидан, ёшларда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш ва уларда ҳуқуқбузарликларга нисбатан тоқатсизлик муносабатини тарбиялаш;

бешинчидан, қонунда белгиланган тартибда ёшларнинг, давлат, жамият ва бошқа шахсларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини фаол ҳимоя қилишга эҳтиёжни ва бундай қобилиятни шакллантириш ва бошқалар.

Юқоридагилар асосида хulosса қилиб айтганда, ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришни янги инновацион ғоя, тизимли ёндашув, ижодий тарбиявий технология асосида бугунги замон талаби нуқтаи назаридан илмий тадқиқ қилиб ўрганиш, уларни юксалтиришнинг ташкилий-амалий чоратадбирларини ишлаб чиқиш, шунингдек тадқиқот натижаларини амалиётга қўллаш механизмларини янада такомиллаштириш ҳамда ҳуқуқий таълим – тарбиянинг мукаммал замонавий тизимини яратиш устувор вазифамиз бўлмоғи лозим.

## ХУЛОСА

Фуқаролик жамиятини шакллантириш ва хуқуқий демократик давлат барпо этиш жараёнида ёшларнинг хуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш ишларини тўғри ташкил этиш нафақатижтимоий зарурат, балки жамиятни демократлаштиришнинг муҳим шартидир. Туб ислоҳотларнинг бугунги босқичида жамият хуқуқий онги ва маданиятини, айниқса ёшларнинг хуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, бу борадаги хуқуқий тарбия ишлари, қонунчилик ва хуқуқни қўллаш амалиётини амалга оширишда замонавий усул ва воситалардан фойдаланиш масалаларини тадқиқ этиш хуқуқшунослик фани олдида турган устувор вазифалардан саналади.

Шу жиҳатдан олганда, ёшларнинг хуқуқбузарлик содир этишга кўмаклашувчи шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш самарадорлигини ошириш, ёшлар хуқуқий онги ва хуқуқий маданиятини юксалтиришга оид ташкилий хуқуқий механизмларини такомиллаштириш юзасидан қўйидаги таклиф ва тавсияларни илгари суриш мумкин:

**1.** Маълумки, “Жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури” 1997 йилда қабул қилинган. Ўтган давр мабойнида дастурда белгиланган кўпгина вазифалар ўз ечимини топди. Шу билан бирга бугунги кун реал воқелиги, ёшларнинг сиёсий-хуқуқий фаоллиги, дунёқараши ўзгарганлиги, замонавий ахборот тарқатиш тизимларининг ривожланганлиги ҳамда ёшларнинг хуқуқий ахборотга бўлган эҳтиёжлари ўсганлиги боис мазкур дастурни янги таҳрирда қабул қилиш фурсати етди, деб ўйлаймиз. Шунингдек ёшларга хуқуқий ахборотни етказишнинг ташкилий-хуқуқий механизмларини такомиллаштириш зарур.

**2.** Таълим муассасаларида “Инсон хуқуқлари маданияти” ўқув курсини жорий этиш лозим. Ушбу ўқув курсининг жорий этилиши ёшларнинг ўз хуқуқ ва бурчларини билиши билан бирга уларни амалиётда қўллай олиш, хуқуқбузарликларга муросасизлик маданиятини шакллантиришга ҳизмат қилган бўлар эди.

**3.** Хуқуқий тарбия жараёнида ёшлар хуқуқ нормаларини идрок этишининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиш. Бунда тарбиянинг ҳар бир босқичида ўқувчининг ёши, психологик хусусияти, физиологияси, воқеликни идрок этиш қобилияти, ўйналтирилаётган касби ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олган

ҳолда улар дуч келиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчилик, одам савдоси, коррупция каби жиноятларнинг тузоғига тушмасдан, вазиятданқонуний ечимни топиб, тўғри ҳуқуқий қарор қабул қилишга йўанлтирадиган аниқ қонуний тавсилар бериш ўз самарасини беради.

**4.** Ёшларнинг меҳнат фаолияти давлат ва нодавлат ташкилотлари билан бевосита боғлиқ бўлмаган ҳамда таълим билан қамраб олинмаган, яъниуюшмаган қисмининг жиноят ва ҳуқуқбузарликлар содир этишининг олдини олиш мақсадида ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратишимииз керак. Айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий ахборотга бўлган эҳтиёжини қондиришда замонавий ахборот воситалари, жумладан, интернет ва уяли алоқа тизимлари имкониятидан кенг фойдаланиш зарурлигини инобатга олган ҳолда, ҳуқуқий йўналишдаги сайtlар сони ва сифатини ошириш, уларнинг фойдаланиш учун қулайлиги масалалари муҳим аҳамиятга эга. Бинобарин, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, унинг мажбуриятларини акс эттирувчи маълумотлар, қонунчиликдаги янгиликларнинг уяли алоқа компаниялари томонидан қисқа SMS хабарлар тарзида юбориш тизимини жорий этиш анча самара беради, деб ўйлаймиз.

**5.** Конун ҳужжатларини расмий манбаларга асосланган ҳолда, аҳолига содда ва тушунарли усулларда етказиш, уларнинг бир хилда қўлланилишини таъминлаш мақсадида ҳуқуқшунос олимлар билан таҳририятлар ва нашриётларнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлигини йўлга қўйиб, амалдаги барча қонун ҳужжатларига шарҳлар яратиш ва чоп эттириб бориш зарур. Бундан ташқари, солик, божхона, банк, молия, ОАВ, меҳнат, ижтимоий таъминот соҳаларига доир савол-жавобларни ўз ичига олган “Ёшлар учун юридик маълумотнома” рукнида нашр этиладиган тўпламларни кўпайтириш зарур. “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури”да ҳуқуқий адабиётларни арzonлаштирилган нархларда сотиш белгиланган. Шу боис, ҳуқуқий адабиётларни янада арzon нархда сотиш ишини давлат назоратига олиниши ва боғча (расмли), мактаб, лицей, коллеж ўқувчилари ва кам таъминланган оиласларга уларни бепул тақдим этиш мақсадга мувофиқ.

**6.** “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ҳар бир туман бўлимлари хузурида ёшларнинг бандлиги, ёшлар эмиграцияси, ёшларнинг хорижда ёки мамлакатимизда таълим олиши, оила

қуриш масалалари бўйича бепул маслаҳатлар берадиган “Юридик клиника”лар амалиётни жорий этиш зарур.

7. Ёшларнинг илк бор ишга тайинланаётганда уларнинг ўз ҳуқуқ ва бурчлари, ўз хизмат вазифалари, ҳуқуқий саводхонлик даражасини ҳам синовдан ўтказиб бориш муҳим аҳамиятга эга.

Хуноса қилиб айтганда, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш бош мақсадимиз экан, ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиликлар ва ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган ёки содир этган ёшларга ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ёрдам кўрсатиш ёхуд ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг мукаммал замонавий тизимини яратиш устувор вазифаларимиздан саналиши лозим. Зеромазкур тадбирлар пировард натижада, жамоат тартиби ва интизомини мустаҳкамлашга, миллий ҳуқуқий давлатчиликни, юксак даражадаги ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга замин яратиши шубҳасиз.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **I. Раҳбарий адабиётлар**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 364 б.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 380 б.
3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 366 б.
4. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмок керак. Т. 10. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – 432 б.
5. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик таракқиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т. 11. – Тошкент: Ўзбекистон, 2003. – 320 б.
6. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-кудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т. 12. – Тошкент: Ўзбекистон, 2004. – 400 б.
7. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. – 448 б.
8. Каримов И.А. Инсон, унинг хукуқ ва эркинликлари – олий қадрият. Т. 14. – Тошкент: Ўзбекистон, 2006. – 280 б.
9. Каримов И.А. Жамиятни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007.–320 б.
10. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т.16. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. –368 б.
11. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. –174 б.
12. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – 56 б.
13. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – 326 б.
14. Каримов И.А. Она-юртимиз бахту-иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2015. – 304 б.

**15.** Эркин ва форовон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимиға киришиш тантанали маросимиға бағишлиланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. Халқ сўзи газетаси, 2016 йил 15 декабрь.

**16.** Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 104 б.

**17.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқаро хотин-қизлар байрамига бағишлиланган учрашувдаги нутқи. 2017 йил 6 март // [www.press-service.uz/uz/news/5524/](http://www.press-service.uz/uz/news/5524/).

## **II. Норматив-хуқуқий хужжатлар**

**1.** Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2014. – 76 б.

**2.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 29.08.1997 йилги қарори билан тасдиқланган “Жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури” // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997. – № 9. – 227-модда.

**3.** Ўзбекистон Республикасининг “Бола хуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 1-2-сон, 1-модда; 2009 й., 52-сон, 554-модда.

**4.** Ўзбекистон Республикасининг“Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2010 й., 39-сон, 341-модда.

**5.** Ўзбекистон Республикасининг“Хуқуқбузарликлар профилактиакси тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2014 й., 20-сон, 221-модда, 2015 й., 32-сон, 425-модда.

**6.** Ўзбекистон Республикасининг“Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2014 й., 1-сон, 1-модда.

**7.** Ўзбекистон Республикасининг“Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2016 й., 406-сон.

**8.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 29 майдаги “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

**9.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида”ги Фармойиши // “Халқ сўзи”. 2001 йил 5 январь.

**10.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 28 июндаги ПҚ-1990-сон “Юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 29-сон, 372-модда.

**11.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 24-сон, 312-модда.

**12.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 марта даги ПҚ-2833-сон “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

**13.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони // Халқ сўзи газетаси, 2017 йил 11 апрель.

**14.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 апрелдаги ПФ-2932-сон “Тошкент давлат юридик университетида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони

### **III. Махсус адабиётлар**

**1.** Абзалов Э.М. Проблемы формирование правовой культуры молодёжи: Автореф. дис... . канд.юрид. наук. –Ташкент, 2000. –22 с.

- 2.** Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. –Тошкент, 1998. – 222.
- 3.** Азизхўжаев А.А. Мустақил Ўзбекистон Республикасида қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлаш муаммолари. // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – Тошкент, 1992. – №1. – Б. 29-35.
- 3.** Ахмедшаева М.А., Нажимов М.К., Сайдуллаев Ш.А. Жамиятда ҳуқуқий онг ва маданиятни шакллантириш масалалари. Рисола. –Тошкент: ТДЮУ, 2017. – 56 б.
- 4.** Большая психологическая энциклопедия. – М.: Эксмо, 2007. – 544 с.
- 5.** Вопленко Н.Н. Правосознание и правовая культура: Учебное пособие. – Волгоград: Изд-во ВолГУ, 2000. –52 с.
- 6.** Дмитриев Ю.А. Правосознание и правовая культура. / Теория государства и права. Под. ред. Пиголкина. –Москва: Юрайт-Издат, 2006. –547 с.
- 7.** JamesL. GibsonandGregoryA. Caldeira.The Legal Cultures of Europe //Law & Society Review, Vol. 30, No. 1 (1996), pp. 59. (<http://www.jstor.org/stable/3054034>).
- 8.** Инсон ва қонун газетаси, 2014 йил 29 апрель.
- 9.** Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. – Тошкент: “Адолат”, 2007. –916 б.
- 10.** Канъязов Е.С. Малакали юридик кадрларни тайёрлаш миллий тизимининг мазмун-моҳияти // Фуқаролик жамияти. 2013. – №4. – Б.33-36.
- 11.** Каримова О.А. Ёшлар ҳуқуқий тарбиясининг асосий йўналишлари. – Тошкент: ТДПУ, 1999. – 21 б.
- 12.** Криминалистика: Олий ўқув юртлари учун дарслик / Муаллифлар Ғ.Абдумажидов ва бошқалар. – Т.: Адолат, 2003. – 266 б.
- 13.** Криминология, Махсус қисм: Дарслик /И.Исмоилов, Қ.Р.Абдурасурова ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – 744 б.
- 15.** Малик Тоҳир. Жиноятнинг узун йўли. – Т.: “DAVR PRESS” НМУ, 2016. – Б. 192.
- 16.** Маматов Х.Т. Ҳуқуқий маданият ва Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг шаклланиш муаммолари. –Т.:Yurist-media markazi, 2009.–256 б.
- 17.** Матжанов И.А. Ҳуқуқий маданият ва огоҳлик/ XXI аср - интеллектуал авлод асри. Ёш олимлар ва талабаларнинг ҳудудий

илмий-амалий конференцияси материаллари. –Нукус, Қорақалпок давлат университети, 2015. –237 б.

**18.** Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли лугати. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2013. – 448.

**19.** Насриддинова О.Т. Ҳуқуқий маданият – фуқаролик жамиятини шакллантиришда муҳим омил (ёшлар мисолида): Юрид. фан. номз. ... дис. автореф. – Тошкент: ТДЮИ, 2009. – 22 б.

**20.** Одилқориев Х. Конституция ва фуқаролик жамияти. – Т.: Шарқ, 2002. – 320 б.

**21.** Павловский В.В. Ювентология: проект интегративной науки о молодёжи. – М., 2001.- 74с.

**22.** Рустамбоев ва бошқ. Жиноят ҳуқуқи: Олий ўқув юртларининг ҳуқуқшунослик мутахассислиги бўйича таълим олаётган талабалар учун. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2000. – 528 б.

**23.** Сабуров Н. Шахс сиёсий-ҳуқуқий фаоллиги – фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим омили. Монография. – Тошкент: ТДЮИ, 2009. – 131 б.

**24.** Садыкова Ё.С. Ҳуқуқий онгни шакллантиришда демократик қадриятларнинг роли. Юрид.фан.номзоди... Автореф. – Тошкент, 2009. – 24 б.

**25.** Сайдалиходжаева Н.Ф. Система правового воспитания учащихся старших классов (на основе субъект-субъектных отношений): Автореф. дис. ... канд. пед. наук. – Ташкент: ТГПУ, 2008. – 23 с.

**26.** Сайдов А., Таджиханов У., Ҳуқуқий маданият назарияси. 2-жилдлик. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1998. Т.1. – 316 б.

**27.** Соколова Н.С Правосознание, правовая культура и правовое воспитание// Проблемы общей теории права и государства. –М.: 1999. – С. 406-407.

**29.** Туйчиева Ҳ.Н. Шахс ҳуқуқий онгини шакллантиришда ҳуқуқий таълимнинг ўрни ва унинг илмий-амалий муаммолари. Юрид. фан. номз. илм. дар. олиш учун ёзил. дисс... – Тошкент, 2009. – Б. 3.

**30.** Турдибаева Р.Э. Талаба ёшларда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш муаммолари: Юрид. фан. номз. ... дис. автореф. – Тошкент: ТДЮИ, 2001. – 23 б.

- 31.** Файзиев Ш. Ёш авлод ҳуқуқ ва манфаатларининг муҳим кафолати. “Ҳуқуқ ва бурч”, 2008 йил 8-9-сон.
- 32.** Юридический энциклопедический словарь. – Москва: ИНФРА-М, 1997. –240 с.
- 33.** Юридик Энциклопедия / Юридик фанлар доктори, профессор У.Таджихановнинг умумий таҳририда. – Т.: “Шарқ”, 2001. – Б. 656.
- 34.** Хамраев А.У. Правовая культура личности.: Автореф. дисс... канд.юрид.наук. – Ташкент, 1999. – 21 с.
- 35.** Ходжаева С. А. Правовая культура и проблемы развития социально-правовой активности женщин Республики Узбекистан (историко-правовое исследование): Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Т.: Академия МВД РУз, 2004. – 23 с.
- 36.** Халилов Э.Х. Ижтимоий турмушда ҳуқуқий онгнинг ўрни. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 48 б.
- 37.** Хачатуров Р.И. Формирование правовой культуры в условиях становления гражданского общества в России: политико-правовое исследование. Автореф. дисс...канд. юрид. наук. – Казань, 2005. –28 с.
- 38.**Қурунов М. Болам баҳтли бўлсин, десангиз...: ота-оналар учун. – Тошкент: “Маънавият”, 2013. – 320 б.

#### **IV. Электрон ресурслар**

- 1.** <http://www.lex.uz>
- 2.** <http://www.edu.uz>
- 3.** <http://www.parliament.gov.uz>
- 4.** <http://www.press-service.uz>
- 5.** <http://www.minjust.uz>
- 6.** [http:// www.fikr.uz](http://www.fikr.uz)
- 7.** <https://www.gazeta.uz>
- 8.** <http://www.jstor.org>

## **МУНДАРИЖА**

<b>КИРИШ.....</b>	<b>3</b>
1. Ўзбекистонда ёшларнинг хукуқий тарбияси – стратегик масала .....	6
2. Ёшлар жиноятчилиги масаласи ва унинг содир этилиш сабаблари.....	18
3. Ёшлар орасида жиноят содир этишда ёш хусусиятининг таъсири ва роли.....	27
4. Ёшлар ўртасида хукуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишнинг хукуқий асослари.....	33
5. Мамлакатимизда ёшлар хукуқий онги ва хукуқий маданиятиюксалтириш ва унинг хукуқий асослари – ёшларда жиноятчиликнинг олдини олишнинг муҳим омилидир.....	37
<b>ХУЛОСА .....</b>	<b>49</b>
<b>ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....</b>	<b>52</b>

**ЭШМУҲАММАДҚОДИРОВ**

**ЁШЛАРЖИНОЯТЧИЛИГИНИНГ ОЛДИНИ  
ОЛИШ МАСАЛАЛАРИ**

**Мухаррирлар:**  
**Техник мухаррир:**